КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

ҲУРРИЯТ

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

23-29 февраль 2000 йил

8 (161) - сон

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

ҲАЯЖОН

Президентга айтолмаган ГАПЛАРИМ

Ш.АКРОМОВ фотоси

Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлиси давом этаётган эди. Анжуман охирроғида мамлакат Президенти кутилмаганда (биз учун) "Журналистларда қандай гаплар бор?" деб сўраб қолдилар. Ҳамма жим. Юртбошимиз бу таклифга матбуот ходимлари тайёр эмаслигини билиб, давом этдилар: "Ахир сизлар ҳам катта йиғинларда гапиришга ўрганинглар. Балки мажлис қатнашчиларига истакларингиз бордир?".

Ёнимда ўтирган ҳамкасбларимдан бир нечтаси менга: "Туринг, гапиринг, нега тек ўтирибсиз?" дея фаолликка ундашди. Мен: "Гапирсаммикан, нималарни айтсам экан?" деган мулоҳазага бориб турганимда "Ёшлар" телеканалининг мухбири Соҳибжон Алижонов дадиллик билан микрофон олдида пайдо бўлди. Ҳамкасбим гапираяптию, менинг шууримни ҳаяжон босиб кела бошлади: "Бўлди, гапираман!" Шундай ниятда микрофон яқинроғига бориб ўтирдим. Агар Президент "Яна кимда гап бор?" десалар бўлди, кўнглимда тошиб турган гапларни айтаман. Телемухбир гапини тугатгач, мажлис мавзуси бошқа ўзанда кетди.

Ҳақиқатан ҳам, ўша куни гапириш насиб этганида нималар дейишим мумкин эди?

Аввало, Президент ёниб-куйиб айтаётган гапларни халқимиз, оддий одамлар қандай қабул қилаётганини айтмоқчи эдим. Телеэкран орқали Юртбошимиз гапираётган дақиқаларда бор дунёни унутиб, бутун вужуди қулоққа айланган одамларни кўрганман. Кўп ҳолларда "Ана, бу зўр гап бўлди", "Жуда-ям тўғри, минг раҳмат!" деган сўзлар беихтиёр такрорланади. Айниқса, ўша куни маъруза Президент юрагининг ҳайқириғи бўлди.

Баъзан ўйлаб қоламан: нега давлат раҳбарининг ёниқ сўзларидан оддий одамлар чексиз таъсирланиб, қўшнисига, ҳамкасбига, баъзан танимаган одамга Юртбошимиз қўйган масалалардан тўлқинланганини изҳор этадию, бевосита ўша залда ҳозир бўлган, айтилган масалаларга айнан дахлдор раҳбарлар "силлиқ бўлиб" (Президент таъбири) ўтиравердилар. Лоақал мажлис тугагандан кейин юз-кўзларида ташвиш, безовталик аломатлари сезилмайди. Агар одамнинг сийрати сувратида намоён бўлса, улар хотиржам, вазмин юрмасликлари, балки сакраб кетишлари керак, деган хаёлга бораман.

Йўқ, гўё ҳеч нарса рўй бермагандай, салобат билан одим отиб, ҳатто бир-бирларига табассум ҳадя этиб, яроқлаган машиналарининг юмшоқ ўриндиқларига ўтириб, шофёрга: "Ҳайда!" дея эшикни қарс этиб ёпиб, жўнаб қоладилар. Эҳтимол, бу мендаги алдамчи таассуротлардир.

Ахир, шу амалдор эмасми, парламент минбарида янги қонунларни қизғин қўллаб-қувватлаб, эртаси куни ўша қонунни четга суриб қўйган?! "Бир кун бўлса ҳам, мен раҳбарман, демак, менинг сўзим қонун!" дея дағдаға қилаётган мансабдор шахслар Президент сўзларини энтикиб ва интиқиб эшитаётган одамлар шаштини синдираётганини тасаввур этишармикан?

...Бутун онгли ҳаётини тадбиркорликка бахшида этган, ташаббус ҳисобига хориж инвестициясини олиб келишда намуна бўлаётган фидойи бир инсонни биламан. Икки йил бурун шу тадбиркорни "Юзма-юз" кўрсатувига таклиф қилдик. Сиёсий шарҳловчи Қуддус Аъзам тайёрлаган кўрсатувда вазир ўринбосари ва халиги тадбиркор иштирок этишди. Суҳбат давомида вазир ўринбосари илгариги замонга хос салбий иллат ҳақида гапирди. Шу лаҳзада тадбиркор суҳбатдошининг сўзини бўлди: "Илгари дейсиз-а, бунақа камчиликлар бизда ҳозир ҳам бор".

Хуллас, кўрсатувдан кейин тадбиркорни ўша ҳудуддаги раҳбарнинг "талабчан" югурдаги сўроққа тутади: "Хўш, бизга айтинг-чи, кимингизга ишониб бундай дедингиз? Ахир вилоятимизни шарманда қилдингиз-ку!" "Сиз ҳалиям мен кимга ишониб гапирганимни пайқамадингизми?" деб сўради "бетгачопар" тадбиркор. "Қани айтинг-чи?" - деди баттар қизиқиши ортган раҳбарча. "Мен ҳамма яхши ишларимиз мададкори, бош ҳомийимиз Президентимга ишониб дадил гапирдим". Эҳ, шундай эътиқодни, шундай ишончни дилига жойлаган одамларнинг бошидан сув ўгириб ичса арзийди. Ўйлайсизки, ҳар қадамда ўктам турган бояги амалдор бу гапдан бўшашиб, мот бўлди деб. Ҳечда!

"Ҳой, менга қара, - сенсирашга ўтди тадбиркорнинг ўғли тенги одам. – Билмасанг билиб қўй: бу ҳудудда мана, биз президентмиз".

Аслида вилоят раҳбарлари тадбиркорни сиқувга олиш ўрнига, унинг четдан сармоя олиб келиш тажрибасини кенг ёйиши керак эмасми? Тадбиркорлик "инфекцияси" бошқаларга ҳам юқтирилса, тўғри бўлади-ку!

Кўпни кўрган, оқ-қорани таниган тадбиркор-ку бундай тирранчалар ҳеч нарсани ҳал қилолмаслигини яхши англар, лекин "биз" дея ўша ҳудуд раҳбарининг ваколатини ҳам ўзига олмоқчи бўлган югурдакнинг хатти-ҳаракатини оддий одамлар қандай қабул қилади? Бағри кенг, ишонувчан, сахий қалбли халқимиз бор. Агар ҳамма раҳбарлар Президент даъватларига ҳамоҳанг бўлиб, ифодали айтганда, қанот бўлиб ҳаракат қилишмаса, халқнинг ишонч "кредити" тугаб қолади. Ишончсиз эса ҳамма ҳаракатлар зое кетади.

Чин маънода бутун халқнинг ишончини қозонган Президентимиз соҳаларнинг мутасадди раҳбарларига асосли, қонуний, ҳаётий саволлар билан мурожаат қилдилар: "Нега отнинг калласидай ойлик олаётган амалдорлар оддий саволларга жавоб беришолмайди? Нега ўндан зиёд институтларнинг олимлари ҳаёт қўяётган масалаларни тадқиқ этишмайди?" НЕГА? НЕГА??

НЕГА???

Биз Юртбошимиз қўйган саволлардан таъсирланиб, "Халқ сўзи" газетасида худди шу номли рукнни жорий этдик. Ўйлайманки, жамоатчилик назоратининг ўзига хос шакли орқали ҳали кўп масалаларни кўндаланг қўйиш, мансабдор шахслардан жавоб талаб қилиш имкони туғилади.

Президент қўяётган саволлар, менинг фикримча, биз, матбуот ходимларига бевосита дахлдордир. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш оммавий ахборот воситаларининг доимий эътиборида бўлиши лозим. Аслида бу борадаги камчиликлар бизнинг ҳам нуқсонларимиздир.

Ҳозир ўйлайман: ўша куни мен журъат қилиб сўзга чиқолганимда Президентга юқоридаги фикрларимни айта олармидим? Эҳтимол. Ҳар ҳолда айта олмаган бўлсам, ёза олдим-ку. Буям жамиятимиз эркинлашаётганидан нишона. Шундай эмасми?

Шуҳрат ЖАББОРОВ

26 ФЕВРАЛЬ КУНИ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори чиққанига бир йил тўлади

2-бет

ҲУРРИЯТ ХАБАРЛАРИ

ЖАМҒАРМАДА УЧРАШУВ

Индонезия Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси биринчи котиби **Бамбанг Дараниндра** Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига ташриф буюриб жамғарма фаолияти, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятида демократиялаш жараёнининг кечиши, ўзаро ахборот алмашиш мақсадида ҳамкорлик ўрнатиш истагида экани ҳақида гапирди. Муҳтарам меҳмон Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги дўстона муносабатга алоҳида урғу берди.

Жамғарма ҳамраиси Х.Дўстмуҳамедовнинг саволларига жавоб берган жаноб Б.Дараниндра Индонезия матбуоти энди-энди демократик йўлга тушаётганини, бу борада Ўзбекистон журналистлари тажрибаси асқотишини изҳор қилди (Учрашув асосида меҳмон томонидан тақдим этилган Индонезия матбуотига доир қизиқарли маълумотлар "Ҳуррият"нинг навбатдаги сонида эътиборингизга ҳавола қилинади).

МУХБИРИМИЗ

ШИРИНЛИКЛАР КЎРГАЗМАСИ

19 февраль куни Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси билан Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати ассоциацияси ҳамкорлигида юртимизда ишлаб чиқарилган қандолат маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий корхоналарда тайёрланган ўнлаб турдаги печенье, конфет ва шунга ўхшаш бошқа ширинликлар кўргазмага қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дастурхонимиз кўрки бўлган ушбу маҳсулотлар ўзининг ўрами (этикеткаси) сифат даражасининг юқорилиги билан йиғилганларда жуда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, "Дероз" кичик корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган ҳар хил турдаги ширинликлар ҳеч бир жиҳати билан хорижий маҳсулотлардан қолишмаслиги мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Кўргазмани Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати ассоциацияси раиси Бадриддин Холмуҳамедов олиб борди.

Акбар БЕК

МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИДА

"ҲУРРИЯТ"НИНГ ИМЛО ХАТОЛАР БИЛАН ЧИҚАЁТГАНИНИ ЭСЛАТИБ ҚЎЙИШДИ

Тошкент маданият институтида ажойиб анъана тусини олган навбатдаги Маърифат соатида "Ҳуррият" газетаси ижодий жамоаси вакиллари меҳмон бўлишди.

Муҳарririmиз матбуот тўғрисида, кейин адабиёт, шахс тарбияси, ўзбек менталитети хусусида гапирди. Дастлаб талабалар юзида қандайдир бепарволик бордай эди. Лекин аста-секинлик билан бундай кўриниш йўқола бориб, унинг ўрнини қизиқувчанлик эгаллади. Кейин эса ҳам домлалар, ҳам талабалар бараварига "ҳужум"га ўтишди. Уларни жуда кўп нарса қизиқтириши берилаётган саволлардан аён эди. Бугунги матбуот ҳақида танқидий фикрлар ҳам тортинмай ўртага ташланди, "Ҳуррият"нинг доимий мухлисларидан бири газетамизда имловий хатоларга йўл қўйилаётганини назокат билан эслатиб ўтди. Очиғи, биз бундан миннатдор бўлдик.

Шунингдек, учрашувда ҳозирги кунда чоп этилаётган баъзи бир китобларнинг савияси ниҳоятда паст эканлиги ҳам очиқ-ойдин айтилди. Муҳими шунда эдики, давра суҳбати иштирокчилари ўзларининг хилма-хил фикрларини эмин-эркин ўртоқлашаётганлари кишини қувонтирди.

Таҳририятимиз ижодкорлари институт жамоасига, "Маърифат соати"га бош-қош бўлган муҳтарам ректор домламиз профессор Азиз Тўраевга самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар.

МУХБИРИМИЗ

ПАЙРОВ

— "Адолат" эсон-омон чиқиб турибди, - деди "Ҳуррият"га кириб келган "Адолат" газетасининг ходими, тажрибали журналист Мурод Калонхонов.

"Ҳуррият" бор жойда "Адолат" ўлмайди, - деди муҳарririmиз.

— Ҳаммаси "Диёнат"га боғлиқ, - деди Наманган вилоятидан келган "Диёнат" газетасининг муҳаррири Раҳимжон Ирисов.

— Ҳуррият бўлмаса адолат ҳам, диёнат ҳам татимайди, оғайни, - деди яна муҳарririmиз.

ЭЪЛОН

Таниқли ёзувчи ва публицист, жамоат арбоби, олим, мунаққид, "Ҳуррият" газетаси таҳрир ҳайъати аъзоси Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВнинг 60 йиллик таваллуди муносабати билан пойтахтнинг Ҳамза номли театри биносида шу йилнинг 28 февраль куни ўтказиладиган ижодий кечага ижодкорнинг барча мухлис ва дўстларини таклиф этамиз.

Кеча соат 18.00да бошланади.

"Ҳуррият" газетаси таҳрир ҳайъати

ДАЛОЛАТ

"ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ"ГА РУХСАТ КЕРАКМИ?

Фармондан аввал:

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноўрин аралашиш, кераксиз текширувларга чек қўйилиши борасида юксак минбарлардан ҳақли талаблар қўйилаётган бир паллада бу саволни кўндаланг қўйиш ноўриндир эҳтимол. Бироқ тахририятга келаётган шикоятлар оқими, нажотталаб инсонлар мурожаатини натижасиз қолдирмаслик ниятида айни кунда, айни шу савол жуда-жуда ўринлидек: "журналист текшируви"га рухсат керакми?

Албатта, "Журналист текшируви" бизда янги тушунча, бойсики, журналистга текширув ўтказиш ҳуқуқи кафолатланган "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун амалга киритилганига ҳам кўп вақт бўлганича йўқ. Демоқчиманки, янгилик ҳамма вақт силлиққина қабул қилинавермайди. Боз устига, фуқаролар тугул, журналистларнинг ўзи энди-энди қўникма ҳосил қилаётган янги ҳуқуқларига айрим меъёрий ҳужжатлардаги номутаносибликлар икки ўртада тушунмовчилик туғдираётирки, шўрлик қалам аҳли на унга, на-да қўлидаги дийдиёлар йиғиндисидан иборат шикоят, унинг ортидаги малҳамталабга ён беришни билмай гаранг!

Гап шундаки, қўлимизда бевосита хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, айрим корхона, ҳиссадорлик жамияти раҳбарларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан норози оҳангда ёзилган арзномалар ҳам бор. Масалага аниқлик киритиш, турган гапки, "журналист текшируви"ни талаб этади. Енг шимариб хизмат сафарига бордик ҳам дейлик. Ўша шикоятда зикр этилган корхона ёки ҳиссадорлик жамияти раиси дарҳол оғзингиздан чиққанини ёқангизга ёпиштиради: текширув ўтказишингизга қарши эмасмиз, бироқ Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг рухсати борми?

Савол ўринли, тўғри эмасми? Мувофиқлаштирувчи Кенгаш рухсатисиз текширув ўтказиш мумкин эмас!

Кенгаш масъуллари билан боғланамиз. Жавоб эса бизни қониқтирмайди: "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш фақат ва фақат бизнинг рухсатимиз билан амалга оширилади. Бироқ... текширув ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган идоралар рўйхатига матбуот киритилмаган!"

Хўш, журналист нима қилсин?

Жавоб: "Билмадик".

Ким билади унда?

Бу орада а-анча машҳур бўлган ҳуқуқшуносга ҳам маслаҳат солинди. У киши айтдики: "Фуқаролар мурожаати тўғрисида"ги қонуннинг фалон моддаси талабига кўра, қўлингиздаги шикоятни зикр этилган корхонанинг юқори турувчи органига юборинг. Масалани ўшалар ҳал қилади!"

Юзаки қараганда, маслаҳат жўялидек. Аммо биздаги аксарият шикоятлар ўша "юқори турувчи" органга бир неча бор юборилган бўлса-да, масала ниҳоясига етмаганларни ташкил қилади. Агар ўша "юқори турувчи орган"да масала тугал ҳал қилинганда эди, фуқаро тахририятга арз қилмаган, бинобарин, журналистга ортиқча иш ҳам, ташвиш ҳам қолмаган бўларди!..

Фуқаролар охирги умидини матбуотга тикади, ундан нажот кутади. Эҳтимол шу боиски, кейинги уч йил мобайнида оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий пойдевори бошқатдан яратилди, журналистларга қўшимча ҳуқуқлар берилди... Ҳатто, шахсан Президентимизнинг ўзи юксак минбарлардан туриб жамоат назоратини ўрнатишни матбуотчилар зиммаси юклади.

Айни шундай ҳуқуқ ва талабдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугунги ихтисослашган ҳолда шаклланаётган журналистнинг ҳужжатлар билан ишлашга ҳам, молиявий "ўйин"ларни илғашга ҳам қурби, салоҳияти етарли.

Демак, сарлавҳага чиқарилган савол ўринли, пировардида, уни яна бир бор таъкидлашнинг зиёни йўқ: журналист текширувига рухсат керакми?

Фармондан сўнг: зора, энди...

Одат ўзи шунақа: Президент бирор соҳани боплаб танқид қилдими, бас, ҳаммага, айниқса журналистларга Худо беради: ўша жабҳани енг шимариб элакдан ўтказа бошлайди. Орадан бир-бир ярим ой вақт ўтгач, тамом: қорлар ёғиб, излар босилади, ҳатто куни кеча танқидга нишон бўлган соҳа ва унинг раҳбари ҳақида пахтавон мақолалар яна пайдо бўлади!

Бу сафар ҳам шундай бўладигандек эди: Президент Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган назорат қилиш ваколатига эга идоралар (прокуратура, солиқ, СЭС ва ҳ.к.) шаънига нордон-нордон гаплар айтди. Мана, айниқса, тадбиркорлар кўнглида инқилоб ясаган маърузадан кичик иқтибос: **"Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига аввало маъмурий рэкет, текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларни устингиздан жиноий иш қўзғатаман, деб қўрқитиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда..."** Тўппа-тўғри, бор гап!

Ҳукумат мажлисидан сўнг, турган гапки, журналистларга жон кирди: махсус кўрсатувлар намойиш қилинди, айрим журналистлар тортмасида сарғайиб ётган мақолалар чоп этила бошланди. Шукр... Бироқ кўнгилда хавотир ҳам йўқ эмас эдики, орадан бироз вақт ўтгач, яна ҳаммаёқ жимжит, ҳаёт ҳам келган жойидан давом этаверади, негаки, кейинги сал кам бир ярим йил ичида "текшир-текширлар"ни тартибга солиш ҳақида фармон, буларни мувофиқлаштирувчи махсус кенгаш, ҳатто депутатларимиз қонун қабул қилишгача борди... Натижа эса... ўша Вазирлар Маҳкамасида қуйиниб айтилган гап. Албатта, бу ҳол ишлашга бўлган иштиёқни жунбушга келтирмайди, тадбиркорлар, ҳатто журъати бори ҳам, бирор иш қилишдан аввал етти эмас, етмиш ўйлаб бир кесишга мажбур бўлади. "Етмиш ўйлаш"нинг замирида қилинажак ишнинг хомчўти бўлса-ку хўп-хўп, бироқ аксар ҳолларда бундай бошқотириш йўл-йўлакай бериладиган "чўтал", ҳар ой охирида керакли жойга жўнатиладиган "пакет" ва ҳоказо чиқимларга қаратилган бўлади.

Бироқ энди бундай бўлмайди.

Президентимизнинг 17 февраль куни имзолаган Фармони яқин келажакдаги хавотир ва гумонларни пучга чиқарди. Фармонки, "Ўзбекистон Республикаси ҳузурида Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этиш тўғрисида"! Тўғри, савол туғилиши мумкин: аввал ҳам бу борадаги ишларни тартибга солиш тўғрисида фармон чиқанди, Кенгаш ҳам бор эди, Қонун ҳам қабул қилинганди. Яна бир Фармонга эҳтиёж бор эдими?

Бизнингча, бор эди!

Президентнинг янги Фармони бир томондан айни шу вазифаларга масъул бўлган идоралар фаолияти қониқарсиз эканини кўрсатса (балки шу боиски, адлия, солиқ, прокуратура раҳбарлари алмаштирилди), иккинчи томондан ўша юксак минбардан "тадбиркорлар ҳимоясида мен турибман!" дея айтилган гапнинг амалий ифодасидир!

Яқинда эфирга узатилган "Назорат" кўрсатувида мутасадди идора раҳбарлари билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда Давлат Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари қуйидаги рақамларни тилга олди: яъни, ўтган йили текширишлар сони 76 мингтага қисқарган... Шунингдек, 30 мингга яқин "рухсатсиз текширув" ўтказилгани аниқланган... Эътибор беринг: рухсатсиз текширув 30 мингта! Қайтарамиз, бу аниқланганги. Аниқланмагани қанча! Нега деганда, исталган пайтда, исталган савдо шахобчасини томдан тараша тушгандек келиб "босиш", ул-бул камчилик топиб олгач, даҳдаҳа қилиш ва ниҳоят, "муроса" йўлига ўтиб, "чўтал"ни олиш эвазига ҳеч қандай далолатнома ёзилмай кетган ҳоллар йўқ деб айтишга кафолат борми? Ёинки "қутулганимга шукр!" дея бировга оғзини очмаган тадбиркор йўқ дейиш мумкинми? Давлат Солиқ қўмитаси вакилидан сўнг, Бош прокурорнинг биринчи ўринбосарига сўз тегди ва у бундай ҳолатларга қуйидагича прокурорлик таъсир чоралари кўрсатилганини айтди: яъни 187 ҳолат бўйича тақдимнома, 55 ҳолат бўйича амрнома, 28 та протест, 143 нафар текширувчи интизомий, 104 нафари маъмурий жавобгарликка тортилгани ва 7 нафари устидан жиноят иши қўзғатилган. Яхши. Бироқ зикр этилган рақамларни ҳисобласак 524 нафар ҳолат бўйичагина прокурорлик таъсир чоралари қўлланганига гувоҳ бўламиз. Энди ўйланг: 30 мингта "рухсатсиз текширув" қаерда-ю 524 ҳолат бўйича кўрсатилган таъсир чоралари қаерда! Бу ҳол ортиқча мантиқ ёки изоҳни талаб қилмаса керак.

Ўйланиб қоласан киши: шу ва шунга ўхшаган ҳоллар сабаб бўлмадимикан янги Фармон қабул қилишга? Янги Кенгаш бунга тўла-тўкис барҳам беради, яъни Фармоннинг тўртинчи бандида "Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг назорат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгашининг ишчи органи этиб" белгиланган. Янги Кенгаш эса ҳар чоракда "Давлат бошқаруви органларида ижро интизомининг аҳволи тўғрисида" махсус шарҳлар тайёрлайди ва қарор қабул қилиш учун шахсан Президентга ахборот беради. Демак, айтиш мумкинки, биринчидан, бу жараён фуқаролар ҳуқуқий онги шаклланишида ўзига хос аҳамият касб этади, иккинчидан эса вазиятни хаспўшлаш ёки муросага ўрин қолдирмайди.

Энг муҳими шу!

Турсунали АКБАРОВ

"ҲУРРИЯТ" - TV

Бугун қаерга борманг, албатта, "Занжир" фильми ҳақида гапиришади. Баъзилар мақтаса, бошқалар танқид қилади. Биз эса янада тўлароқ маълумот олиш учун тўғри "Занжир"нинг эгаси – Мирзапўлат Тошпўлатовнинг ёнига бордик.

ҲАММАНИНГ ОҒЗИДА "ЗАНЖИР"

— Мирзапўлат ака, ҳозир ҳамманинг оғзида "Занжир"...

— Саволингиз бир воқеани эслатди. Мени унчалик ёқтирмайдиган бир совуқроқ инсон бор эди. Фильм тугаши билан телефон қилиб, учрашайлик деб қолди. Хўп дедим. Учрашдик. Унинг айтишича, хотини ва фарзандларига "Занжир"нинг 8-қисмигача уйида кўришга рухсат бермабди, у бечоралар қўшниларникига чиқиб кўришибди. Ниҳоят бояги одам ўзи ҳам бир кўрганидан кейин 9-қисмидан бошлаб уйида фарзандлари билан кўраётган экан. Муваффақиятли чиқибди, деб табриклади. Ўша одамга ҳам ёқибдими, демак ёмон чиқмаган. Ҳатто бир қиз фильмнинг ичига шунчалик кириб кетганидан Баҳромга (актёр Соҳибжонга) Наргиза билан турмуш қурдиларингми, агар бирга тушган оилавий суратларингдан бўлса, жўнатинглар, дея мактуб йўллабди.

— Ўзингизга кўпроқ қайси роль ижроси ёқди? Фильмдан кўнглингиз тўлмаган жойлари ҳам бўлдими?

— Менга униси ёқди ёки ёқмади деб айтолмайман. Бир ролга 2-3 тадан актёрнинг номзоди қўйилганди. Менимча, санъаткорларимиз катта ролми, кичик ролми, юракдан берилиб ўйнашди. Масалан, Эркин Қомилов ижросидаги образ умуман одамлар кутмаган қаҳрамон бўлди. Эркин ака ролни шундай маҳорат билан ўйнадики, қамоқхона бошлиқлари ҳам инсоний ҳис-туйғулардан, одамгарчилик, раҳм-шафқатдан бегона эмаслигини кўрсатиб берди. Ҳатто бир турмахона бошлиғи менга телефон қилиб: "Бўлар экан-ку. Баъзи одамлар бизни "фашист"ларга ўхшатишарди. Қутқардинглар. Раҳмат сизларга", деб қолди.

Қолаверса, мен режиссёримиз Санжар Бобоевдан жуда миннатдорман. Чунки, у киши билан бир-биримизни тушуниб ишладик. Бу эса яхши самара берди. Шунинг учун бўлса керак, сценарийдаги сўзлар деярли ўзгартирилмасдан берилди, чунки, диалоглар ҳам занжир тарзида тузилган эди-да.

— Кўпчилик "Занжир"нинг давомини кутмоқда...

— Йўқ. "Занжир" ниҳоясига етди. Қаҳрамонларнинг ҳоли нима кечади, деган саволга келсак, адабиётда бадиий талқин деган нарса бор. Баҳромга кишан солинмади, демак, у кечирилди. Ҳусанни касалхонага олиб кетишди, демак, у тирик. Наргиза билан Баҳромнинг топишишларига ҳам ишора қилувчи бир неча белгилар бор. Аслида қиссанинг дастлабки номи "Ўта маҳфий дафтар" эди. Кейинчалик "Занжир" деб номланди (Ҳозир китоб ҳолида чиқиш арафасида) ҳамда унга янги-янги образлар, мамлакатимизга, мустақиллигимизга қарши турган турли кучлар тимсоллари киритилди. Қолаверса, муаллиф сифатида ўз олдимга қўйган мақсадимга эришдим десам бўлади.

Ҳуршид БЕК суҳбатлашди

Билдирув

Тошкент бозорларидаги гўшт расталарида эчки гўштини қўй гўшти ўрнида пуллаш одат тусига кирмоқда

ЙЎҚ-Э!

Тўғрига эргашсанг, оч қоласан !

Ўзбекистон телерадиокомпанияси раҳбариятига шикоят

4-бет

САРҲИСОБ

Орадан бир йил ўтди. Бу орада матбуотда нелар юз берди? Кадрлар тайёрлаш борасида не муваффақиятларга эришилди-ю, қандай сусткашликларга йўл қўйилди? Назаримизда, айнан шу саволларга бугун жавоб берсак бўладигандек.

Бу борада кўп журналистлар, устоз мураббийларимизга мурожаат этдик ҳам. Бироқ... очиғини айтиш керакки, ҳамкасбларимизнинг кўпчилиги бу мавзуда интервью беришга ҳафсаласи йўқлигини яширишмади. Тўғри, журналистикамиз эришган, эришаётган ютуқларни эътироф этган журналистлар ҳам оз эмас. Лекин аксарият ҳамкасбларимизда биз юқорида таъкидлаган кайфият мужассам эди.

Ҳамкасбларимиздан бири яқин йилларда рўй берган бир воқеани эслатди ҳам. "Ҳов, ўша машҳур Фалониялик Пистончи физик (Нобель мукофоти соҳиби) Фалонияда талабаларга ўргатибди, гапирибди, бироқ талабалар сабоқдан бир шингил ҳам ололмабди. Шунда машҳур Фалониялик физик талабаларга ҳикоя қилибди: Американинг самолётлари Японияга ҳужум қилаётганида, мамлакатга келишдан олдин бир оролда ёнилғи қуйишар, кейин учишар экан. Йиллар ўтиб, ана шу оролга япон олими борсаки, шох-шаббалардан ўша самолёт макети ясалган, одамлар самолёт макетини тортиб бир неча метрларга учиришар, кейин "самолёт" қулар экан. Олим билсаки, орол одамлари ёввойи бўлиб, XX аср инсонларига тақлид қилишаётган экан".

Ҳамкасбимнинг таънасини тушундим. Начора, шундай таъналар ҳам билдириляптими, демак журналистикамизнинг заиф нуқталари кўп. Бекорга айтмайдилар-ку, "бир балоси бўлмаса...", деб.

Дарвоқе, мулоҳазаларга қулоқ беринг!

Гуландом БОҚИЕВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети декани:

— Биласизми, сизга интервью беришга ҳам вақтим йўқ, десам ишонмайсиз. Ҳали ташкил қилган халқаро журналистикамизнинг ўқув биносидаги таъмирлаш ишлари охирига етгани йўқ. У топилса, бу топилмайди, бу топилса у. Маблағ йўқ. Мутасадди ташкилотлар маблағ билан таъминламаяпти.

Талабаларимизга келсак, турли йўллар билан сарагини саракка, пучагини пучакка ажратаяпмиз. Лекин ўтган йили қабул усули яхши натижалар берган эканки, талабалар орасида сараси кўпроқ. Уларни амалиётга йўналтираяпмиз... Демоқчиманки, имконият даражасидаги ишлар ҳаммаси қилинаяпти. Факультет малакали педагог-кадрлар билан тўлдирилаяпти.

Энди саволингизга келсак, барча саъй-ҳаракатимиз қарор талабларини бажаришга қаратилган. Яна нима дейиш мумкин, ишлар жойида. Ташвишнинг кўплигини айтмаса, бошлаган ишларимизнинг натижаси, ҳар тугул, кўрина бошлади.

Кудрат ЭРНАЗАРОВ, доцент:

— Кўпинча оммавий ахборот воситаларининг суст ишлашида фақат журналистика факультетини айблашаётганининг гуноҳи бўламиз. Лекин ҳамма айб факультетдамикин? Аслида журналистларимизда дадиллик ва жўрлатнинг етишмаслигига, ҳалигача "юқоридан" буйруқни кутиб туришлари-ю, эскича иш тартибидан чиқиб кетолмаётганликларида факультетни айбдор қилиш тўғри эмас, менимча. Ахир улар ўзларидаги бу қўниқмани ўқишда эмас, иш жараёнида ҳосил қилишган-ку. Лекин ҳалигача бирорта мард чиқиб буни тан олганича йўқ.

Дарвоқе, бизда журналистларнинг эркин фаолият юритиши қонун билан кафолатлаб қўйилган. Бундай имконият ҳамма давлатларда ҳам яратилган эмас, улар ўз ҳақ-ҳуқуқи учун қон кечиб курашадилар. Бизникилар эса тайёр имкониятдан ҳам фойдана олишмаяпти. Хўш, айтинг-чи, бунга ҳам журналистика факультети айбдорми?

Шунинг баробарида яна бир нарсани таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда журналистика факультетининг мақсад ва вазифаларини кўпчилик англаб етмаган кўринади. Журналистика факультети талабага кенг ижтимоий билим беради. Бу билим балки хабар ёзишда керак бўлмас, лекин чуқур таҳлилий мақола ёзишда зарур бўлади. Техника ўқув юртини тугатган журналист хабар ёза олаяпман-ку, деб ўз-ўзини хурсанд қилиб юриши мумкин, бироқ йирик мақолага қўл урса, тор ва ғализ фикрлари материални тўмтоқ қилиб қўйиши мумкин.

Факультетнинг вазифаси бўлғуси журналистга мустаҳкам пойдевор қўйиш. Лекин бу пойдевор устида сарой вужудга келадими ёки кулба, бу журналистнинг ўзига ва, албатта, муҳитга боғлиқ.

Сайди УМИРОВ, доцент:

— Бундан бир йил муқаддам қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори, ҳеч шубҳасиз, бир неча йилларга татигулик, узоқни ўйлаб қабул қилинган қарордир. Қарорда журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб этилган, аччиқ ҳақиқатлар очиқ айтилган. Йўл қўйилган камчиликлар тўғри, асосли кўрсатиб берилган, истиқбол режалари белгиланган. Камтар ютуқларимиз ҳам, катта камчиликларимиз ҳам — ҳаммамизники. Бир йигит қирқ йилда бино бўлганидек, етук журналистнинг етишиб чиқиши учун, энг камида, ўн йил, шунда ҳам кўпчилик (факультет, ОАВ, ижодий ва маъмурий идоралар)нинг ҳамкору ҳамдастлиги, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари керак бўлади.

ТошДУ (эндиликда Миллий университетимиз журналистика факультети) халқаро журналистика бўлими ЎзДЖТУ таркибига берилиб, халқаро журналистика факультети ташкил этилганини кўпчилик мамнуният билан қабул қилган бўлса-да, баъзилар ажабланишган эди: "Бир шаҳарда икки турдош факультет? Қандоқ бўларкан?" Жуда яхши бўлади. Ҳамма нарса ўзаро қиёсда билинади. Ижодий баҳс, соғлом рақобат, эскича айтганда, мусобақа, ҳар икки жамоани жадал ҳаракатга, тез, соз ишлашга, янгиликлар излаш ва топишга ундайди. АҚШнинг айрим штатларида бир неча давлат ва хусусий журналистика факультетлари, махсус мактаблари бор экан, ёшлар суйган ошини ичишади, яхшисини танлаб киришади.

Журналистика факультети – ижодий жамоа. Бас, шундай экан, ижодий руҳ, соғлом муҳит, холислик, бағри кенглик, бир сўз билан айтганда, профессионализм устивор бўлмоғи лозим. Шунинг баробарида ҳар биримизда масъулият ҳисси сусаймаслиги даркор.

Ёқутхон МАМАТОВА, доцент:

Биз талабаларимизга жаҳон тажрибасига суянган ҳолда, журналистикамиздаги мавжуд муаммо-камчиликларни тушунтириб берамиз. Масалан, чет элда биронта газетада қайсидир амалдор танқид қилинса, кейинги сонда, албатта, амалдорнинг ўзига ёки унинг тарафдорларига сўз берилади. Кимнинг фикри асосли, тўғрилигини аниқлаш эса омманинг ўзига ҳавола этилади. Муҳими, бир хил фикр, бир хил ёндашувдан қочиш. Буни битирувчиларимиз яхши билишади, лекин улар таҳририятларга ишга боришганда, эскича иш тартибига дуч келиб, ҳафсаласи пир бўлмоқда. Минг афсуски, борган ерида ишлаб кетишни хоҳлаган ёш журналист ўша муҳитга мослашишга мажбур бўлмоқда.

Шу ўринда Санкт-Петербург университети тажрибасини айтиб ўтиш жоиздир. Бир вақтлар у ерда талабалар "факультет — таҳририят" тизимида ўқитилган. Куннинг биринчи ярмида таҳририятларда амалиёт, куннинг иккинчи ярмида аудиторияда назарий сабоқлар ўтилган ва бу тизим жуда яхши натижаларга олиб келган. Ушбу тажрибани факультетимизда жорий этиш ҳақида ўйлаб кўрилмоқда.

Бойбўта ДУСТҚОРАЕВ, доцент:

— Менингча, ўтган йилги қарордан сўнг журналистикамизда кадрлар тайёрлаш тизимига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бутун ўқиш, ўқитиш жараёни: дастурлар, режалар қайта кўриб чиқилди. Натижада республикада журналист кадрларга нисбатан бўлган эҳтиёж қондирадиган база сифатида Ўзбекистон Миллий университетида, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида, Нукусдаги университетда журналистика факультетлари қайта ислоҳ қилинди. Айрим вилоятлардаги журналистика факультетлари етарлича ўқув базасига, профессор-ўқитувчиларга эга эмаслиги учун тугатилди. Бу эса тайёрланаётган журналист кадрларимизни янада пухта, салоҳиятли этиб тарбиялашга имкон берди.

Янги ташкил қилинган халқаро журналистика эса миллий журналистика билан ўзаро рақобатни кучайтиришга омил бўлиши керак. Шу жиҳатдан халқаро журналистика учун замонавий талаблар даражасида дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратиш юзасидан талай ишлар қилинаяпти. Шунингдек, журналист-кадрларга алоқадор профессор-ўқитувчилар

аттестациядан ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси табиийки, мазкур соҳадаги талабни кучайтириш учун олиб борилаётган ижобий ҳодисадир.

Айни халқаро журналистикани ташкил қилиш республика ҳаётида муҳим воқеалардан биридир. Ҳозирнинг ўзида 8 та хорижий тилни талаблар даражасида ўрганиш йўлга қўйилган. Ҳадемай, улар хориждаги оммавий ахборот воситалари ходимлари бўлибгина қолмай, айни пайтда хориждаги ташвиқ этувчи вакилларимизга айланадилар.

Акбар НУРМАТОВ, доцент:

— Мамлакатимизда ягона халқаро журналистлар тайёрлайдиган факультетнинг очилгани дуруст бўлди. Негаки, биз дунёни ўз кўзимиз билан кўришимиз, шууримиз билан англашимиз лозим. Шу пайтга қадар эса иккинчи, учинчи манбалар орқалигина кузатганмиз. Умуман олганда эса дунё бугунги кунда икки хил ривожланиш турига эга: биринчидан, иқтисод йириклашуви; иккинчидан, ахборот (информация) йириклашувидир. Ана шу нуқтаи назардан биз учун Халқаро журналист кадрлар жуда ҳам зарур.

Энди "...ушбу факультет талабаларидан қониқаяпсизми?" деган саволингизга келсак, албатта булар ўқишни тамомлаб, амалиётга борганларида

меҳнатимизнинг самараси нечоғли бўлганини кўрамиз. Ишонаманки, ўшанда бизнинг ҳозирги талабаларимиз бизни уялтирмайди.

Яна бир нарсани таъкидламаса бўлмайди. Ушбу факультетга қабул жараёнида ҳам, машғулотлар чоғида ҳам тилга жуда катта эътибор берилди, берилмоқда. Бу — яхши, албатта. Лекин барибир она тили, тарих кучлироқ ўқитилиши лозим. Акс ҳолда бу талабаларнинг журналист тугул бошқа касб эгагини тутиши ҳам даргумон.

Маҳмуд САЪДИЙ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:

— Бугунги кунда журналистикага эътибор кучайгани катта воқеа. Халқаро журналистика факультети очилгани эса эзгу орзуларимиз ушалаётганининг исботидир. Янги факультет талабалари республика ҳаётига фаол аралашишга интилмоқдалар. Кўпчилик студентларда танлаган касбларини эгаллашга иштиёқ зўр. Ахир, улар профессионал (ахборот берувчи мухбир эмас, жамиятни тадқиқ-таҳлил этувчи) журналист бўлиб етишишлари, яқин келажакда хорижий мамлакатларда Ўзбекистон, ўзбек халқи номидан иш олиб боришлари – Ватанимизни, халқимизни дунёга танитишлари, ўзлари ҳам танилишлари керак. Бунинг учун, шубҳасиз, қаттиқ меҳнат қилиш зарур. Айниқса, биринчи навбатда, **ўзбек тилини пухта билиш шарт!** Она тилини чуқур эгаллашнинг йўллари кўп: масалан, мен талабаларимга, аввало, халқ оғзаки ижоди намуналари – достонлар, эртак, асотир, ривоят ва латифалар, қўшиқлар, мақолларни ўқиб-ўрганишни тавсия этмоқдаман.

(Мен чет тилни пухта билишни айтмаётирман. Бу – аён ҳақиқат. Чунки бирор чет тилни зўр билмаган журналист хорижга чиқолмайди!)

Студентлар Ватан ва жаҳон тарихини, адабиётимиз ва ўзбек халқи урф-одатларини, журналистиканинг сир-асрорларини сидқидилдан ўрганишлари керак, бу соҳанинг кўзга кўринмайдиган оғир, қора ишидан қочмасликлари лозим.

Тез орада олий ўқув юртларига қабул мавсуми бошланади. Шунда, албатта, журналистика факультетига кирувчилардан **ижодий имтиҳон** олиш шарт қилиб қўйилиши керак! Ёзмайдиган одам журналист бўлолмайди! Буни эсдан чиқаришга мутлақо ҳаққимиз йўқ!..

Азиз газетхон! "Ҳуррият" газетаси ҳур фикрлар минбаридир. Шундай экан, сизнинг ҳам матбуот ҳақидаги мулоҳазаларингизни интиқлик билан кутамиз.

ТАНЛОВ!

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ"

Ўзбекистон ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ўтказиладиган "Йилнинг энг яхши журналисти" анъанавий танлови ўз иштирокчилари ва ғолибларини кутмоқда.

Матбуотда ўз дил сўзларини айтишда фаоллик кўрсатаётган жонкуяр журналистлар!

1999 йилда қандай ижодий ютуқларга эришдингиз? Мамлакатимизнинг мустақиллик йўлида собит қадамлар билан олға боришига ҳисса қўшадиган, кишиларимиз тафаккурида юз бераётган уйғониш, тикланиш ва янгиланиш жараёнларини юқори бадиий савияда маҳорат билан, таъсирчан усуллар воситасида ифодаланган мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаб эълон қилдингизми? Газета, журнал, радио, телевидение журналистлари, марҳамат, 1999 йил мобайнидаги энг сара ижод намуналарингизни "Йилнинг энг яхши журналисти – 99" танлови ҳайъатига тавсия этинг!

1-мукофот - магнитофон
2-мукофот - диктофон
3-мукофот - фотоаппарат

Танловда иштирок этиш учун мўлжалланган ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан жамғармамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўлимлари орқали ёки тўғридан-тўғри жамғармамизга 5 июнга қадар топширилиши сўралади.

Манзилимиз:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси 30-уй
Тел: 144-69-65, 144-37-87

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишлар ОАВда эълон қилинган бўлиши шарт.

ЖУРНАЛ

ҚОРА МЕҲНАТ ЗАЛВОРИ

("Ўзбекистон матбуоти", 1-сон)

Талабалик йилларимизда домламиз аудиторияга газетчиликда яғрини қорайган кекса журналист(техник муҳаррир)ни етаклаб кирди. Ана ўшанда газетчиликнинг бу "қора ишчи"си биз талабаларда ифодалаб бўлмайдиган илиқ таассурот уйғотган эди, десам ишонаверинг. "Бизнинг меҳнатимизни газетада камроқ ёзишади...", деди жилмайиб журналист. Шунинг баробарида бизда касбига ҳавас уйғотганини сезмади.

Буларни эслашимнинг боиси бор, албатта. Биз кўпам қадрига етавермайдиган газета босмахонаси ишчилари ҳақидаги мақолани куни кеча қўлга олганимиз — "Ўзбекистон матбуоти"да ўқидим. Ана шунда "Ўзбекистон матбуоти"нинг бу ҳимматидан хурсанд бўлдим.

Мамлакатимизда улкан нуфузга эга бўлган "Шарқ" НМКнинг бу гуруҳ ходимлари ўз фикрлари, янгича иш услублари билан ўртоқлашибди журнал саҳифаларида. Айниқса, концерн раҳбари И.Шоғуломовнинг "Янги аср бўсағасидаги "Шарқ" мақоласида концерннинг учинчи минг йилликка олиб кираётган ютуқлари, муваффақиятлари билан таништириши бизни мамнун этди. "Шарқ"чилар ҳам саховатга жавобан журналнинг босмахона харажатларини ўз зиммаларига олдилар.

Бундан ташқари, журнал саҳифаларидан бошқа қизиқарли мақолалар ҳам ўрин олган.

АНОРА

МУАММО

Банк уй қуриб беряпти, бироқ...

УЙ "ОПЕРАЦИЯ"СИ

"ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК" ДЕГАН ҚИСҚАРТМА НОМ МУОМАЛАГА КИРГАНИГА АЙТАРЛИК КЎП БЎЛГАНИ ЙЎҚ, ЛЕКИН ТАЛАФФУЗИ БИР ҚАДАР ҚИЙИН БЎЛГАН БУ АТАМА ЭНГ ОДДИЙ ОДАМЛАРНИНГ ҲАМ ОҒЗИГА ТУШДИ, БУ БАНК ШАЪНИГА ИЛИҚ ГАПЛАР АЙТИЛДИ, ДУОЛАР ЎҚИЛДИ.

"ВАТАН" ГАЗЕТАСИНИНГ 1999 ЙИЛ 23 НОЯБРЬ СОНИДА "ФУҚАРО", "БАНК", "ШАРТНОМА" "СУД" НОМЛИ ТАНҚИДИЙ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭДИ. ШУНДА НОСИРОВЛАР ОИЛАСИГА 921400 СЎМЛИК ЖАРИМА, ДИНАРА ШАРИПОВА, РАҲИМЖОН МЎМИНОВ, УМИДА НИЗОМИДДИНОВАЛАРНИНГ ҲАР БИРИГА ЭСА, 600 МИНГ СЎМДАН 900 МИНГ СЎМГАЧА МОДДИЙ ЗАРАР ВА ҲАР БИРИГА 200 МИНГ СЎМДАН МАЪНАВИЙ ЗАРАР СУД ОРҚАЛИ УНДИРИЛГАН ЭДИ

Н.НУРМОНОВ
чизган сурат

Банк бошлаган савобли ишнинг ҳикмати нимада эди?

Жисмоний шахс сотиб олаётган уй нархининг қоқ ярмини банк давлат бюджети ҳисобидан, қолган ярмини 10 йил муддатда қайтариб бериш шарти билан тўлайди. Яна бир шарҳи шундаки, бундай қулайлик Тошкент шаҳрида камида 3 йил, вилоят марказларида эса камида 1 йил "прописка"да турган 18 ёшга тўлган фуқароларгагина насиб этиши қонунлаштирилди.

Бундай имтиёзни ўйлаб топган инсоннинг отасига раҳмат! Бошпана қуришга қўли калталик қилган оиланинг янги уйга кўчиб киргандаги қувончини тасвирлашга тил ожиз! Бунинг савобини айтмайсизми!.. Аввалига пойтахтда, сўнг вилоятларда ўтган 3 йилда бир-биридан чиройли ва замонавий 5 мингга яқин уй-жойлар қад кўтарди, хонадон эгаларига топширилди. Кейин эса...

Иш бор жойда кам-кўст чиқиши табиий. Хусусан, аҳолидан пул йиғиб олиб давлат ва банк томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик шарофати билан уй-жойли бўлишда айрим муаммолар ҳам туғилди. Ана шу муаммоларнинг сабабини аниқлаш ва уларга тўғри, холис мантиқий баҳо бериш учун баъзи босқичларида расмийлаштирилган ҳужжатларнинг таҳлилига эътиборингизни тортмоқчимиз.

"ТАВСИЯНОМА". *Тошкент шаҳар ҳокимининг 1997 йил 26 февраль 56-сонли қарори билан тасдиқланган жисмоний шахсларга тавсияномалар бериш тартибининг 6-бандида "Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ҳамда бир уйда, хонадонда, икки ва ундан ортиқ оилалар бўлиб яшовчи фуқаролар тавсияномаларни, уй-жой облигацияларини ҳамда уй-жойларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқига эгадирлар" дейилган.* **Муҳтожлар кимлар? Улар ҳар бир кишига 7 квадрат метрдан кам турар-жой майдони тўғри келган фуқароларми?**

Унда, қолган фуқаролар фарзандларига ният қилган уйлари учун тавсияномаларни қачон оладилар? Бу ахир, илгариги шўро замонларидагидек, навбатсиз ўтказишларга имкон бермайдими? Муҳтож оилалар кундалик ебичиш, умуман, рўзғордан тежаб 10 йил давомида банкка камида 20-30 минг сўмни ойига тўлаб бориш имкониятига эгамикан? Унинг устига, фуқаро 10 йил давомида тўлайдиган уйнинг 50 фоиз қиймати, ҳозирги уйларнинг бозордаги 100 фоиз қийматига деярлик тенг бўлса, халқнинг манфаатини кўзлаш қаерда қолди? Шунча оворагарчиликнинг кимга кераги бор? Фуқаро фақат олган қарзининг 10 йил давомида қадрсизланишидан ютади, холос. Бир амаллаб тавсиянома олган фуқаро банкка боради. Сўнг...

"БАНК". *Омади келган фуқаролар уй қийматининг 20 фоизига тенг дастлабки тўловини тўлагач, банк тавсия қилган жойлар маъқул бўлса, 9 ой ичида уй қуриб бериш шарти билан шартнома тузади.*

Кейинги пайтда шу хусусда яна бир муаммо тез-тез қулоққа чалинмоқда. Бу — шартномада кўрсатилган муддатда уй-жойнинг битказилмаётганлиги билан боғлиқ. Ёдингизда бўлса, "Ватан" газетасининг 1999 йил 23 ноябрь сонида бу ҳақда "Фуқаро", "Банк", "Шартнома" "Суд" номли танқидий мақола эълон қилинган эди. Шунда Носировлар оиласига 921400 сўмлик жарима, Динара Шарипова, Раҳимжон Мўминов, Умида Низомиддиноваларнинг ҳар бирига эса, 600 минг сўмдан 900 минг сўмгача моддий зарар ва ҳар бирига 200 минг сўмдан маънавий зарар суд орқали ундирилган эди. Юқоридаги мисолнинг ўзи банк ишида талайгина камчиликлар борлигини кўрсатади. Аввалига, талабгорлар кам бўлганлиги учунми, ёки кўп уйлар қурилганлиганми, сўраб келган барчанинг илтимоси деярли қондирилди. 1998 йилдан бошлаб эса уй қуриб бериш кескин камайди. Йиллаб шартномалар тузилмади, чекловчи лимитлар пайдо бўлди. Аввалига кенг имкониятлар бериб, сўнг уларни чеклашни қандай баҳолаш керак?

"ҚУРИЛИШ". *Банк лозим шартномаларни тузгач, "бош буюртмачи" ва "асосий молиялаштирувчи" сифатида бўлажак уй учун ер танлаб уни расмийлаштиради, қурилиш ташкилоти ва шаҳар капитал қурилиш бош бошқармалари билан уч томонлама шартнома тузади. Қурилиш ташкилоти, ўз зиммасига ажратилган маблағ, тавсия қилинган лойиҳа – смета ҳужжатларига кўра уйнинг ўзини, ички тармоқларсиз, қуриб бериш мажбуриятини олади. Шаҳарнинг капитал қурилиш бошқармаси эса иккинчи томондан банкнинг "ишончли буюртмачиси" сифатида бутун қурилиш жараёнини барча қурилиш қоидаларига биноан бекамукўст амалга оширилишини, уй битгач, малакали мутахассислардан иборат ишчи ва давлат қабул комиссияларига уйни топшириш вазифаларини ўз зиммасига олади. Хизмати учун бутун қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 5 фоизи миқдорида банкдан ҳақ олади. Давлат комиссияси томонидан қабул қилинган уй жойлардаги туман ҳокимлигининг қарори билан "фойдаланишга топширилган" деб ҳисобланади, шундан сўнг, уй эгасига тавсия этилади.*

Газетхонга тушунарлироқ бўлиши учун мисол тариқасида шаҳримизнинг Собир Раҳимов тумани "Мухбир" кўчасидаги 7- ва 8-уйларнинг "бош буюртмачи" – 3-капитал қурилиш бошқармаси, "бош пудратчи" – 159-қурилиш трестининг 8-бошқармаси томонидан қуриб, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари С.Тоҳиров раислигидаги давлат қабул комиссиясига топширган уйларини кўриб чиқамиз. Бунинг учун бўлғуси хонадон эгаси қўлида унинг учун қуриб берилаётган уйга дахлдорлигини, даъволарини исботловчи ягона ҳужжат — бўлғуси уй эгаси билан банк ўртасида тузилган шартнома эканлигини эътироф этиш муҳимдир. Шартномада уйнинг қиймати, тузилиши, тўлов мажбуриятлари, муддати ва уйни бўлғуси эгасига бериш санаси ёзилган бўлиб, ўз вақтида тўланмаган пул ва қуриб берилмаган уй учун масъулият чегаралари, жарима миқдорлари белгиланган бўлади. Жисмоний шахснинг мўъжазгина даъво ҳуқуқи 1999 йилдан яна ҳам камайтирилиб, 1 фоиздан 0,5 фоизга қисқартирилди. Эътибор берган киши банкнинг барча босқичларда устунлиги ҳужжатларда кафолатланганини кўради. Ҳатто уйни суғурталаш ҳам уй эгаси ҳисобига қилинган.

Аввалари янги қурилган уй қабул комиссияси томонидан қабул қилингачгина уй фойдаланишга топширилган деб ҳисобланган. Башарти, уй эгасида эътирозлар туғилса ва эътирозини уқтира олса, қурувчи ташкилот томонидан нуқсонлар бартараф этилмагунича уйдан фойдаланувчи қабул қилиб олмаган.

Энди-чи? Энди жисмоний шахслар пулидан қурилаётган уй-жойлар ҳам уй қабул комиссияси қабулидан сўнг фойдаланишга топширилаяпти-ю, шу тариқа мазкур хонадонда яшовчи кишининг талаб ва истаклари эса эътиборсиз қолмоқда. Чунки комиссия қабулидан сўнггина мижоз уйга қадам босади, яъни уй соҳиби уйига кирган куни унинг даъво муддати ўтган бўлади. Ахир, комиссия билан уй эгасининг ўзаро ҳеч қандай мажбуриятлари йўқ-ку! Эгаси уйини қабул қилиши ваколатини ҳам ҳеч кимга берган эмас-ку!

Хўш, уй-жойнинг қурилишида нуқсонлар учраса, камчиликлар топилсачи? Топилса топилар, уй эгаси энди банкка ҳам, қурилиш ташкилотига ҳам арз-дод қилиб боролмайди, чунки... шартномада кўрсатилган муддат ортда қолди; ҳайит ўтди!.. Унинг устига ҳеч қайси ўзаро ҳужжатларда қурувчиларнинг уй битгандан кейинги кафолат муддати кўрсатилмаган.

Бўлғуси уй эгасининг чорасиз қолиши атайлаб, олдиндан меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилганми? У ҳолда шартнома учун асос қилиб олинган Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июль 366-сонли қарорини тайёрлашда қатнашган мутасадди вакиллар халқ манфаатини нега ўйлашмади? Қарордаги томонлар тенг ҳуқуқлигини таъминловчи қонуний меъёрларнинг етарли эмаслигини билган Адлия вазирлиги нечун қарорни тасдиқлади экан? Йўл қўйилган хатони тузатиб, фуқаронинг чекланган ҳуқуқини тиклаш Адлия вазирлигининг адолатли ишларидан бири бўларди.

Назаримда, айни ҳолатлардан келиб чиқиб қуйидагиларга ҳам эътибор бериш лозим.

Лойиҳа - смета ҳужжатларини тузиш чоғида бўлғуси уй эгалари иштирокини йўлга қўйиш мумкин. Ахир у ўз пулига уй-жой қурдираяпти, шундай экан, яшайдиган уй-жойининг қурилишида қисман бўлса-да, иштирок этсин.

Акс ҳолда пул чангаллаб, янги уйни таъмирлашга киришади. Темир радиаторни чўянига алмаштиради, кафель қоплаттиради, темир эшик ўрнатади. Яна алламбалолар. Янаям тўғрироғи, кечагина кирган уйини таъмирлагунича она сути оғзига келади.

Ҳабибулло АБДУЛМАЖИД, "Ҳуррият"нинг махсус мухбири

Номутаносибликка яна бир мисол: электр ҳисоблагич - счётчик ташқарига ўрнатилмоқда-да, уни эҳтиётлаш, сақлаш хонадон эгаси зиммасида қолдирилмоқда. Нима, хонадон эгаси счётчикни ўғри-муттаҳам шилиб кетмасин деб йўлакка кўрпа-тўшак тўшаб, пойлоқчилик қилиб ётиши керакми? Бундай даҳмаза ҳолатни туғдирмаслик учун ўша ҳисоблагични ичкарига ўрнатиш мумкин-ку?!

Азага келган хотин... қабилида бўлса ҳам бир-икки муаммоларни эслатмасак бўлмас.

Қурилишнинг умумий сифати ҳақидаку, ҳай-ҳай, оғиз оча кўрманг. Ярим йил ўтар-ўтмас, кўчган бўёқлар, "шишиб" кетган сувоқлар, очилса ёпилмайдиган, дарз кетган қийшиқ дераза ромлари, асти қўяверасиз!.. Ваҳоланки, уйнинг сифати ва бекаму-кўст қуриб битказилишига Тошкент шаҳар ҳокимияти кафиллик берган. Ахир бизнинг бинокорларимиз ҳам ажойиб ва гўзал иморатлар бунёд қилиши мумкинлигини шаҳримизда кўплаб қурилаётган маъмурий бинолар мисолида ҳам кўриб турибмиз-ку. Бу билан ҳамма уйлар шундай камчилик билан қурилаяпти деган фикрдан йироқмиз...

Юқоридагиларга мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий саводхон фуқароси сифатида назар соладиган бўлсак, халқ манфаатига хизмат қилишдек эзгу ниятни амалга ошириш учун қўлланилаётган меъёрий ҳужжатларнинг айнан фуқароларнинг фойдасига хизмат қилмаётганлиги, боз устига шартномага имзо чеккан томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлигини ва бунинг оқибатида жисмоний шахслар моддий ва маънавий зарар кўраётганини кузатамиз. Шунинг учун ҳам мақоламизнинг бошида тилга олинган фармонларнинг охиригача бажарилишини таъминлаш учун ҳаёт, тажриба тақозо қилган ўзгартиришларни киритиш, томонларнинг нафақат мажбурияти, балки мард кишининг иши ҳамдир.

МАҒРИБУ МАШРИҚ
INTERNATIONAL LIFE

ТАҲЛИЛ

Ўзбекистон, Россия, МДҲ, Марказий Осиё давлатларига нисбатан 1999 йилда амалга оширилган террористик актлар, уларга нисбатан хавфнинг мавжудлигини, унга қарши курашда янги усуллар, янги йўллар кераклигини кўрсатди. Чунки терроризм, диний экстремизм ўзининг давлат, миллат танламаслигини, у бутун жаҳон хавфсизлик системасига таҳдид солаётганлигини яна бир бор тасдиқлади. Жаҳонда турли хавфларга, таҳдидларга қарши давлатларнинг кураш йўллари мавжуд. Ана шундай кураш йўлларидан бири, бу — кучли давлатларнинг хавфга, таҳдидга қарши стратегик ҳамкорлик қилишидир. Халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши манфаатларнинг бирлиги, яқинлиги Россия — Ўзбекистон стратегик ҳамкорлигини келтириб чиқарди. Биз ушбу стратегик ҳамкорлик моҳиятини тушуниб етиш, уни кенг жамоатчиликка етказишни муҳим вазифа деб ўйлаймиз.

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

Сайфиддин ЖЎРАЕВ, сиёсатшунослик фанлари доктори

ЖАҲОН СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши иккала мамлакат учун ҳам ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги имкониятларини беради. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ушбу ҳамкорлик ҳозирги кунда стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Бу ҳолга эришишнинг ўзига хос сабаблари бор. Авваламбор, иккала мамлакатда шунга иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жиҳатдан эҳтиёж пайдо бўлган бўлса, иккинчи томондан, икки давлат манфаатларининг халқаро терроризмга қарши кураш, хавфсизликни таъминлаш бўйича мос тушаётганлигидир.

Ўзбекистон — Россия ўртасидаги стратегик ҳамкорликни келтириб чиқарувчи шарт-шароитлардан бири, бу — халқаро миқёсдаги жараёнлардир.

Биринчидан, асримизнинг дастлабки сиёсий ҳаёти "коммунизм шарпаси" билан бошланган бўлса, яъни дунёнинг икки қутбга бўлиниб кетиши, дунёнинг бир қисмида коммунистик мафкурага асосланган социалистик давлатнинг пайдо бўлиши, бунга қарши ўз хавфсизлигини таъминлаш учун капиталистик тизимнинг илғор мамлакатлари жипслашиб, демократик тараққиёт йўлидан бориши ва ривожланган капиталистик давлатларда фуқаролик жамияти қурилишга олиб келди;

Иккинчидан, XX аср сиёсий ҳаётининг иккинчи муҳим воқеаси Германияда фашизмнинг, Собиқ СССРда эса пролетариат диктатурасининг, тоталитар жамиятнинг вужудга келиши ва икки томон кураши натижасида Иккинчи жаҳон урушининг юз беришига, бунинг натижасида, социалистик тизим, унинг иқтисодий бирлашмаси, ҳарбий блокининг вужудга келиши, ўз навбатида капиталистик системанинг ҳарбий блоки — НАТОнинг пайдо бўлиши, кейинроқ иқтисодий блокнинг пайдо бўлиши, улар ўртасидаги курашнинг чуқурлашуви; совуқ урушнинг пайдо бўлиши; собиқ СССРнинг Афғонистонга чекланган ҳарбий қўшин киритиши дунё сиёсий ҳаётидаги воқеалар ривожланишини белгилаб берди.

Учинчидан, XX асрнинг муҳим ва якунловчи, XXI аср сиёсий харитасини белгилаб берувчи учинчи воқеаси бу собиқ СССРнинг ва социалистик тизимнинг тарқаб кетиши; мустақил давлатларнинг вужудга келиши, капиталистик тизимнинг эса ўз устиворлигини таъминловчи тамойилларининг пайдо бўлиши, НАТО ҳарбий блокининг вазифалари ва мақсадининг ўзгариб бориши ва ҳудудий жиҳатдан кенгайиб бориши; халқаро ташкилотларнинг бирмунча обрўйи ошса-да, (БМТ, ЕХҲТ) халқаро можароларни ҳал қилишда вазифалар ва мақсадларнинг чекланиб қолиши; жаҳон сиёсий тартиботида янги сиёсий қутблар пайдо бўлишига ҳаракат натижасида, жаҳон ижтимоий-сиёсий муносабатларида бўшлиқларнинг пайдо бўлиши, ўз навбатида шу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилаётган, жаҳон хавфсизлик тизимига хавф солаётган халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг пайдо бўлишидир.

Ушбу ҳолат жаҳон сиёсий ҳаётида кутилмаган ўзгаришларни вужудга келтирди:

Биринчидан, жаҳонда кучлар нисбати ўзгарди. Олдинлари жаҳон сиёсатида икки томон кучлар балансини сақлашга ҳаракат қилган бўлса, энди бир томон қолди, тарози палласи бир томонга оғиб кетди; алоҳида давлатлар, ҳудудларнинг жаҳон сиёсатида ҳукмронлик қилиш мафкураси шакллана бошлади;

Иккинчидан, дунёнинг турли ҳудудларида янги кучлар марказлари пайдо бўла бошлади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Америка қутби (бу ерда АҚШ йўлбошчи лидер), Ғарбий Европа (асосий лидерлардан бири, бу — Германия), Осиё — Тинч Океани минтақаси (уларнинг лидери Япония), Хитой иқтисодий стратегик зонаси.

Учинчидан, ривожланган мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан ўз позицияларини сақлашга, жаҳонда кечаётган барча жараёнларни шу нуқтаи назардан бошқариш, назорат қилишга интилиши халқаро муносабатларнинг етакчи тенденциясига айланиб бормоқда, улар ривожланиб келаётган мамлакатларни технологик жиҳатдан қарам қилиш, уларни технологик жараёнларга қўшмасликка ҳаракат қилаяптилар.

Бошқача айтадиган бўлсак, зўр давлатлар томонидан дунёнинг ресурсларига эгалик қилиш учун кураш олдингилардан фарқлироқ, яна ҳам маданий формада амалга оширилмоқда ва бу жараён узоқ давом этиши табиийроқ бўлиб кўринмоқда. Агар олдинлари давлатлар ўз манфаатларини фақат кучли икки давлат — АҚШ, СССРнинг баъзан қўрқитиши, куч ишлатиши, тазйиқ, баъзан ўзаро келишиши асосида ҳал қилган бўлса, эндиликда, бир нечта, алоҳида давлатлар гуруҳининг ушбу масалаларга аралашувига интилиши кузатилмоқда. Ҳозирги замон халқаро алоқаларининг мазмуни шундаки, дунё қандай даражада илмий, технологик, иқтисодий, демократик жиҳатдан ривожланмасин, барибир давлатлар ўртасидаги манфаатлар учун кураш сақланиб қолмоқда. Чунки манфаатлар курашини ҳеч ким бекор қилгани йўқ. Фақат манфаатлар учун курашнинг янги методлари, шакллари, усуллари пайдо бўлмоқда. Дунёнинг турли бурчакларида ушбу усуллар синаб кўрилмоқда. Масалан, Европада Собиқ Югославия масалаларини ҳал қилиш; Ироқ-Қувайт можаросини ҳал қилиш; Россия ҳудудида Чеченистон воқеалари, Афғонистон территориясида қарама-қарши томонларнинг турли давлатлар томонидан қўлланиб турилиши фикримиз исботидир.

(Давоми бор)

ТАРАҚҚИЁТ

НЕМИСЧА МЎЪЖИЗА

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мағлубиятга учраган Германиянинг иқтисоди, қолаверса, бутун ҳаёти издан чиқиб таназзулга юз тутган эди. Аммо қисқа фурсат ичида давлатда "иқтисодий мўъжиза" юз берди. Унинг иқтисодий қудрати дунёда учинчи ўринни эгалладики, бунга қойил қолмасликнинг сира иложи йўқ. Хўш, ушбу мўъжизанинг юзага келишига сабаб бўлган асосий омил нима?

Тарихдан маълумки, 1948 йилда Америка Қўшма штатлари, Англия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург давлатлари "Лондон кенгаши"да Германия Федератив Республикасини ташкил қилиш хусусида келишиб олишганди. Шундан сўнг Бундестагнинг 1949 йил 7 сентябрида Боннда бўлиб ўтган биринчи йиғилиши Конрад Аденауэр бошчилигидаги коалицион ҳукумат таркибини тасдиқлади. Айнан мана шу даврдан Германияда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш учун катта ислоҳотлар бошланиб кетди. Ушбу ислоҳотнинг "сиёсий отаси" сифатида 1949-1963 йиллар мобайнида Германия Федератив Республикаси иқтисодиёт вазири, 1963-1966 йиллар давомида эса федерал канцлери лавозимларида хизмат қилган Людвиг Эрхард (1897-1977) тан олинади. У ишлаб чиққан ва амалга оширган иқтисодий модел матбуотда ва илмий адабиётда "Эрхард ислоҳотлари" номи билан шуҳрат қозонди. Ислоҳотлардан сўнг орадан қисқа вақт ўтар-ўтмас, яъни 1950-йилларнинг охирига бориб ГФР иқтисодиёти урушдан олдинги йиллардаги даражага кўтарилди.

Хўш, ушбу "иқтисодий мўъжиза"нинг юзага келишига сабаб бўлган "Эрхард ислоҳотлари"нинг асосий хусусиятлари нималардан иборат? Немислар фикри бўйича ҳар қандай иқтисодий тизим шахс эркинлиги ғоясига асосланиши шарт. "Асосий қонун" (Grund-gesetj – Германияда Конституция шундай аталади) эса буни тўла кафолатлайди. Бундан ташқари Германияда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини нормал шакллантириш ва амал қилиши учун қуйидаги тамойил муҳим ҳисобланади: давлат иқтисодий жараёнларга аралашишдан ўзни тийиб туради.

"Асосий қонун" нинг 9-моддасига асосан корхоналар ва ишчилар бирлашмалари тузиш ва уларни тартибга солиш кафолатланади. Улар давлатдан мустақил равишда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитини ва маошини белгилайдилар.

Германияда бошқа мамлакатларга қараганда корхона ишчиларининг ижтимоий эҳтиёжларига кўпроқ маблағ ажратилади. Гарчи бу тадбиркор учун ортиқча харажат бўлса-да, ёлланма ишчилар учун бу нарса ижтимоий таъминотда қўшимча ютуққа, яъни "иккинчи иш ҳақи"га айланади. Юқорида қайд этиб ўтганимиз асосий шарт-шароит ва тамойилларнинг тўғри йўлга қўйилганлиги сабабли бугунга келиб Германия иқтисодий қудрати бўйича жаҳонда мустаҳкам учинчи ўринни, мол айланиш ҳажми бўйича АҚШдан кейин иккинчи, Европада эса биринчи ўринни эгаллайди. Бундан ташқари аҳолининг самарали меҳнат фаолияти Японияда 2140 соатни, АҚШда 1850 соатни ташкил этса, Германияда бу кўрсаткич энг қисқа, яъни 1500 соатни ташкил этади. Йиллик меҳнат таътили ҳам бу мамлакатда 31 кундир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, "Эрхард ислоҳотлари"нинг моҳияти капитализмнинг илк шаклланиш давридаги "Манчестер либерализми"га хос ҳамма ўзи учун тамойилидан ёки XX асрнинг иккинчи ярмида бир қатор мамлакатларда қўлланган "Шок терапияси" усулидан воз кечганида эмас, балки иқтисодий ислоҳотлар биринчи галда ижтимоий мақсадларга қаратилганидагина намоён бўлади.

Нурбек САЛОМОВ, Ўзбекистон Миллий университети талабаси

ТАФАККУР

ҲАҚ ОЛИНУР, ЛЕКИН БЕРИЛМАС!

Тарих кўп аҳамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудурки, бир миллатнинг на тарикада, қайси йўл ила тараққий этганин ўқиб, ибрат олмоқ ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлуб кетганин ўқуб, мундан ҳам истифода этмак мумкиндур. Шунинг учун бизнинг ўз шевамизда Туркистонда ўтган боболаримизнинг маиший, сиёсий аҳволиға доир "Туркистон тарихи" бор бўлганда, они кўз олдимизда қўюб, бурунғи қаҳрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият давриға кируб ва нима сабабдан охири мунқариз бўлуб кетганларини ўқуб, билуб, хейли ибрат олар эдук.

* * *

Котиб ҳар муддаони ёзмоқчи бўлганда, ўшал муддаони ўзи яхши тушунуб, сўнгра ёзса керак.

* * *

Халқ орасинда бутун унутилган эски форсий калималарни қасддан ёзиб, ўқувчилар зеҳнини ташвишға солмаслик беҳроқдур.

* * *

Агарда жуғрофия ўқумасак, дунёға тараққий қилолмаймиз.

* * *

... Тараққий қилган миллатлар теётрхоналарни улуғлар учун мактаби адаб ва ибрат атайдурлар. Тараққий қилмоқни энг биринчи сабаб ва боисларидан бири теётрлардур, деюрлар. Теётрларнинг яхши ва ямон одатларни сарроф ва мунаққиди, дерлар.

* * *

...Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайтургонларни қул — марқуқ дерлар.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

"РУЧКА"ДАН РОК САДОСИ

У худди йўғон сиёҳли ручкага ўхшайди, ҳар қандай камзул чўнтагига осонгина жойлашади ва мусиқа чалади. Ўтган йилнинг ноябрь ойи ўрталарида Sony фирмаси ўзидан турли оҳанг таратувчи "Vaio Music Clip"ни намойиш этди. Узунлиги 12 смдан ошмайдиган, эни эса 2 см бўлган бу йўғон найча ичига интернетдан олинган мусиқалар тўпламини чалувчи мураккаб мослама яширинган.

Мослама компьютердан кабел орқали ток билан таъминланади. Бунда компьютер хавфсизлик ўлчагичи фойдаланувчининг муаллифлик ҳуқуқига дахлдор тўловларни ўз вақтида бекаму-кўст тўлаб боришини назорат қилиб туради.



Жажжигина аудиоаппаратнинг тўлиқ хотира майдони 64 мегабайт бўлиб, бу куй таратувчи "руч"нинг икки соат мобайнида узлуксиз ишлашини кафолатлайди. Рок, поп ва жаз учун мўлжалланган учта тугмача таралаётган оҳангни тартибга солиб туриш билан бирга, тингловчини янада завқлантиради.

Келгуси йилда Мюзик Клипнинг 300 АҚШ доллари баҳосида Америка бозорларида пайдо бўлиши кутилмоқда.

Хориж матбуоти асосида Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ тайёрлади

ЭҲТИРОС

ИККИ СОНЕТ

Маҳкам Маҳмудов, Шекспир ва машҳур сонетларга "Ҳуррият"часига муносабат

Адабий жамоатчилик орасида Маҳкам Маҳмудовни танимаган, билмаган одам йўқ. Хўп аломат Инсон-да! Турганбитгани, ўйлаган ўйи ижод, зиё, маърифат! Китоб десангиз худо берди деяверинг, мириқиб гурунг беради. Орамизда шундай фидойиларимиз борлигига шукр.

Тунов куни денг, акамиз таҳририятга кириб келдилару, наридан-бери салом-аликдан сўнг муддаога кўчдилар:

— Бир шеър ўқиб берайми, эшитасиз?

Ўзи таҳририятга келган арз-дод шикоятларга хуноб бўлиб кўмилиб ўтиргандим, шеър тинглаш кайфиятидаманмийўқми, бу ёғини суриштириш йўқ.

— Ҳа, ўқинг, - дедим ноилож. Маҳкам ака бошладилар:

64-СОНЕТ

Кўрдик, билдик, ўчирар йиллар
Умр баҳорининг ёркин рангларин.
Мангу яшамайди азим чинор ҳам,
Бир куни йиқилар мағрур минор ҳам.

Денгиз мавжларининг тинсиз ҳамласи,
Емирар соҳилнинг тош кенглигини.
Ер эса денгиздан ўчин олгандай,
Ўғирлайди унинг теранлигини.

Кунлар, йиллар, асрлар ўтиб,
Таназзулга учрар давлатлар.
Дилимнинг қувончи – дўстим чеҳраси
Кўздан йўқолади келиб бир вақтлар.

Наҳотки, тантана қилади ажал –
Шу ташвиш дилимни тирнар ҳар маҳал.

Ака, ихлос билан ўқияптилару, кайфиятим шеърият дунёсига кўча бошлади. Сеҳрли, жозибали, руҳга ором бахшида этгувчи дунё! Шундай дамларда нафосатли шеър дунёси унут бўлаёзганидан кўксингда бир оғриқ қўзғалади, худди яқин дўстингга хиёнат қилгандек хижолат чекасан. Маҳкам акадек инсонларга етарли қадр-қиммат кўрсатмаётганинг учун ўзингни айбдор сезасан.

— Шекспирми? – деб сўрадим шеърнинг оҳанги ва фалсафасидан тахмин қилиб.

— Ҳа, Шекспирнинг сонетларидан. Яна, эшитинг:

Бундай яшагандан ўлган яхшироқ;
Нодонлар иззатда, азизлар – тупроқ.
Софдил одамлардан кулар каззоблар,
Олимни масхара қилар қассоблар.

— Ўзингиз ёздингизми? – деб тўхтатдим Маҳкам акани. – Шекспирдан таржима эмасми?

— Йў-ўқ, ўзимники эмас, Вильям Шекспир бор-ку, машҳур инглиз шоири, драматурги. Ўшанинг 66-сонети. Қулоқ солинг:

Тентак аталади комил инсонлар,
Қизларнинг иффати - қадрсиз бир мол.
Шармандали ишлар бугун иззатда,
Улуғ, мард инсонлар – заиф, бемажол.

Шекспирга ачиниб кетдим, 500 йил илгари шундай изтиробларга тушган экан-да, шўрлик. Шоирнинг қисмати шуда, бошида дунёнинг ташвиши!

Ростгўйлик – аҳмоқлик саналар бугун,
Жоҳиллар – доно деб мақталар ҳар кун.
Адолат чашмаси узра бостирилган тош.
Ҳалол одам – "осий", муттаҳамлар хос.

Яна таржимон акамизнинг оғзига урмоқчи эдим, улгурмадим.

Кўрганим бариси – нафратга маҳкум,
Бироқ дўстим, Сени қандай тарк этгум?

Маҳкам ака жим бўлиб қолди.

Ўзи таҳририятда, кўзи - менда, хаёли қаёқда – Худо билади. Шоир ё таржимон эҳтирослари поэзия юксакликларида эмин-эркин парвоз этиб юриши ғоятда ажиб бир ҳодиса, лекин реал инсон, фуқаро сифатида... таҳририятда ўтирибмиз.

— Жуда машҳур 66-сонети. Кўплар таржима қилишган, мен ҳам уннаб кўрдим-да...

— Маҳкам ака, - дедим ётиғи билан тушунтиришга уриниб. – Барча замонларда ҳам шоир дард билан яшаган. Шекспир номини сиз билан бизга етказиб олиб келган ҳам ўша дард! Лекин... машҳур бўлса-бордир. Қўйинг, шўрлик даҳонинг ҳасратларини шу топда бошимизга урамизми?..

Стол устида ёйилиб-уйилиб ётган арз-дод хатларни бир чеккага суриб қўйдим. Маҳкам ака билан ёнбошлаб суҳбатлашмоққа чоғландим.

Акани шеъриятдан бери келтириш қийин бўлди.

— Босмаймиз, — дедим ниҳоят чўрт кесиб, — машҳур сонети бўлса - ўзига. Олинг, 66-сонет ўзингизга сийлов.

— Унда бир жуфт қилиб берайлик. Яна биттаси бор. Ўқиб қўя қолай.

Рози бўлдим.

Мис занглайди. Харсанг ёрилар,
Ер чўкади, чекинар денгиз.
Дўстим, сенинг гўзал жамолинг
Ажалга чап беролмас, эсиз...

Йиллар бедодидан тоғлар қулайди,
Йиқилажак, ҳайкал, пештоқлар.
Атир гул хуш, нозик нафасин
Қандай қилиб абадий сақлар?

Қайда бордир мангу гўзаллик?
Ҳайҳот, бари ўткинчи, фоний.
Топилармиr сақлаш иложи
Гўзаллигин фоний дунёнинг?

Дўстим, сенинг гўзал қиёфанг,
Сақлаб қолар сўз, шеър ва оҳанг.

...Маҳкам ака икки сонет таржимасини "ўтказ"ганидан боши осмонга етиб, хайрлашди...

"Ҳуррият" мухбири

АЖАБО!

Германиянинг "Фрайлихт" музейидан динозавр тухумини ўғирлаб кетишибди.

МУТОЛАА

Шавкат АБДУСАЛОМОВ
ЁЛҒИЗ ОДАМНИНГ ИҚРОРНОМАСИ

А.ТАРКОВСКИЙНИНГ "СТАЛКЕР" ФИЛЬМИ МУВАФФАҚИЯТИГА ҲИССА ҚЎШГАН ЎЗБЕК РАССОМИ

— 20-40-йилларда, ундан кейинги даврларда Марказий Осиёда ишлаган қайси рассомларнинг асарларини алоҳида тилга олган бўлур эдингиз?

— Мен болалик кезларимда уларни томоша қила бошлаганман. Тошкентга келганимдан музейларга танда қўйганман. Лекин у пайтлардаги таассуротларим билан ҳозир ҳукм чиқаролмайман, уларни энди-энди ўзим учун кашф этяпман. Мен илгаридан кўпчиликнинг назарига тушмаган бадиий асарларни ёқтирганман, тасвирий санъат асарлари ҳақида ҳам одатим шу. Бу нима, ўзига хос билағонликми, билмадим...

Александр Волковнинг уйида кўп бўлганман, оила аъзолари, жумладан, ўғиллари билан танишганман. Бироқ Волковни бошқалардан устун қўя олмайман. Унинг аҳамиятини тан оламан, рассом сифатида эса йўқ. Руҳ рассоми эмас у, унинг асарларини хонамга осиб қўёлмайман. Ғалатию, лекин у менга ҳеч нарса бермайди.

Яқинда, бир йилча муқаддам Наталья Боровская деган рассом ишлари билан танишдим. Анча кеч бошлаган экан ижодни. Унда менга маъқул келадиган ғайритабиийлик, ўзини тўла намоён эта олмасликни кўрдим. Карвон бораётганини чизибди, туянинг оёқ олишларини тасвирлашга нечоғли машаққат чеккани билиниб турибди, шу манзарадаги меҳнат машаққати менда қониқиш уйғотади.

Умуман, мен инсонга формал ёндашишни ёқтирмайман. Унинг асарларида одам натюрмортга ўхшайди. У одамларни ўз живописчилик имкониятлари даражасида тасвирлайди. Одам унинг учун руҳ соҳиби эмас, предмет. Мана шунинг учун унга тоқат қилолмайман.

Мен рассомларга шу нуқтаи назардан ёндашаман. Бадиий асарда инсон бўлиши шарт, унга қўшимча ўлароқ, ўша одамга муносабат ҳам сезилсин. Ғурбат замонларда хўрланиб-ҳақоратланиб яшаган кезларимиз одамни карам, лавлаги, олма чизгандай чизавергганмиз! Волковнинг ишларида мен айтаётган одамни кўрмайсиз. Унинг ишлари – живопис воситасидаги экскурс, холос. Фарқи йўқ, доҳийни чизадими, оддий одамними - ҳаммаси бир қолипдан чиққандек. Уларнинг бари – намойиш, концерт, шоу. Кимга кераги бор уларнинг?!

Мен шахсий мулоҳазаларимни айтяпман. Волков айтарли оригинал ҳам эмас. Сезанн, Врубелдан таъсирланишлари яққол сезилади. Гарчи карвонларни чизган бўлса-да, у Шарқ мусаввирлиги жозибаларига кира олмаган. У Оврупо рассоми, у шарқ тасвирий дунёсига мутлақо ёт.

— Ўзингизни ҳеч кимнинг олдида қарздор, бурчли деб билмайсизми?

— Андрей Тарковский ҳақида мақола ёзганман. Қирқ саккиз қоғоз, машинкада. Унинг охирида Андрейнинг олдида ўзимни айбдор ҳис қилганимни бирор дақиқа унутмаганимни ёзганман ("Сталкер" фильми туфайли у билан орамиз узоқлашиб кетган).

Вася Шукшин. Унинг олдида ўзимни ҳеч қачон айбдор деб билмайман, чунки ҳеч қачон уни катта ёзувчи деб ҳисобламаганман, режиссёрлиги ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Режиссёрликдан йироқ эди у, лекин ёзувчи бўлиши мумкин эди. Актёр сифатида зўр. Шуларга қарамай Василий Шукшин – феномен. Эҳтимол, унга хос бўлган ул-бўлни мен пайқамаган чиқарман, бироқ, ҳар қалай, у – БОР, МАВЖУД, мен эса – ЙЎҚМАН.

Ўзимни айбдор санаб, кечирим сўраш бурчим деган дўстларим кўп эмас. Андрей Тарковскийга бағишлаб фильм олдим. Вафоти арафасида тайёр бўлди. Кўнглим сезганди, у барибир узоққа бормаслиги аниқ эди, оғир дардга чалинган, Париждаги касалхонада азоб чекиб ётарди. Мен эса Москвада изтироб чекиб, ўзимга келолмай ўтирардим. Кейин бирдан дилим ёришди, Андрей олдидаги бурчимни адо этгандек бўлдим, енгил тортдим.

Кино тарихи институтидан Шукшин ҳақида ёзиб беришимни сўрашди. Кейинроқ ёзаман, деб ваъда қилдим, жилла қурса, инсоний сифатларини ёзишни мўлжаллагандим. У билан айтарли яқин дўстлашган жойимиз ҳам йўқ. 1968 йили эди. "Стенька Разин" деган роман ёзган экан, шунга сурат чизиб бергин, деган эди, мен кўнмаганман. Ўзи ёзувчилик билан астойдил шуғуллана олмаётганидан нолир, "Бондарнинг (Бондарчук) фильмида суратга тушаман-да, фақат ёзаман. Кино эзиб юборди", деган эди.

Кино интеллектуалликдан йироқлашиб кетяпти. Кино деб жонини жабборга берадиганлар ҳам ундан ўзларини олиб қочадиган бўлиб қолишди. Назаримда, кинони бошдан-оёқ бир киши ўзи қилиши маъқулроқ, Чаплинга ўхшаб. Бироқ бунинг учун Чаплин бўлиш керак.

Хуллас, Шукшин билан жудаям қалинлашиб кетмаганмиз, нашриётдагилар, "Ҳей Вася, нима, Россия ҳақида оғзинг қани деса қулоғини кўрсатадиган анқовга расм чиздирмасанг, бошқа одам қуриб қолибдими?!" деб айнитишган. У пайтлар мен фақир бир бечора эдим, Москвада пропискасиз яшардим, ишламас эдим, пусиб юрардим. Дуч келган танишимникида тунаб кетаверардим. Кечки овқат чоғида борар жойим йўқлигини сезган мезбонларим мени тунаб қолишга ундашар, менинг эса ғururim бунга йўл қўймас, "Ётар жойим бор" деб чиқиб кетардим. Шундай деб чиқардиму, вокзалга йўл олардим ёки бўлмаса овлоқроқ подъездга биқиниб тонг оттирардим. Ўша кезлар танишганман Вася билан. Бир-биримизни тушунар эдигу, фақат мен ўзимни ундан юксакроқ ҳис қилар, мана шу ғурур, кибр жудаям яқинлашиб кетишимизга йўл қўймаган.

Висоцкий билан ҳам шундай бўлган. Вадим Смоленскийникида у мени Марина Влади билан таништирди. Марина билан қўл олишиб кўришдиму, "Володянинг кунини кўрсатади" деган ўй кечди хаёлимдан. Маринанинг қиёфаси эркакшода, кафти, бармоқлари эркакларникини эслатар эди. Ҳолбуки, ўша кезлар "Афсунгар" фильми роса оғизга тушган, биз ҳаммамиз фильмдаги Маринани севиб қолган эдик. Уни Висоцкийнинг хотини сифатида сира тасаввуримга сиғдиролмадим. Нима ҳам дердим? "Балки, бошқа томони бордир: Париж, Москва деганларидек..." Ўша куни оқшом ўтирганимизда Володя, "Шавкат учун қўшиқ айтиб бераман" деб ҳурматимни жойига қўйди. Кейин мен чизган суратларни кўриш нияти борлигини ҳам айтди. Мен ўшанда ҳам ўзимни бозорга солдим. Гуноҳда шу ҳам. Нима дебман, денг? "Ўзим ҳам тўла-тўкис тушунмайдиган суратларимни бу чалашпана интеллегент қаёқдан тушунарди?" дебман.

- Бирорта фильмни бошидан охиригача, яъни рассомлигини ҳам, режиссёрлигию операторлигини ҳам бир ўзингиз ижро этишни орзу қилармидингиз?

- Бўлмаса-чи. Ҳалиям воз кечмаганман бу ниятимдан. Бошқалар ҳам шунга шайдек эди. Менга бўлғуси фильм режиссёри сифатида эътибор қаратишаётган эди. Тасаввур қилинг, атрофингдагилар ўзларини ижодкор деб тасаввур қилишлари керак, шунга эришиш керак. Режиссёрнинг бош вазифаси ҳам шу. Масалан, Андрей Тарковский ҳаммасини ўзи, фақат ўзи адо этган. Шундай вазиятлар юз берадики, сен унга жуда ўринли ва фойдали маслаҳат берасан, сенинг таклифинг қизиқарлироқ эканини унинг ўзи ҳам тушуниб етади, лекин ўз билганидан қолмайди. Айтмоқчиманки, ҳатто Андрейдек инсоний мақомдаги одам ҳам адолат тантанаси учун ўз мағрурлигидан воз кеча олмаган. Юксала олмаган. Шунинг оқибатида "Сталкер" олинаётганда у билан орани очди қилганмиз. Мен келгунимга қадар анчагина иш бажариб қўйилган экан. Сўнг таклифларимни айтдим. Андрей гуруҳларни алмаштира бошлади. Бошқалар бир йилда эплолмайдиган ишни ҳафтада бажариб ташладик.

Яъни, энг мураккаб саҳналарда фавқулодда ғоялар қуйилиб келаверган. Хуллас, "Сталкер"да бошқалардан кўра менинг таклифларим кўпроқ сақланиб қолди. Тарковскийнинг драматурглик ва режиссёрлик маданиятини жуда ҳурмат қиламан. Мен эса фақат тасвирий жиҳатини назарда тутар эдим, чунки бу борада мен ундан профессионалроқ эдим...

- Режиссёрлардан кимлар билан қарашларингиз яқин эди?

- Назаримда, Андрей билан. 1962 йилдан буён яқин эдик. "Солярис"га таклиф қилган эди. Таклифни қабул қилмаганимда астойдил ранжиган. У бировга икки марта мурожаат қилмас эди, ўзининг қадрини биларди.

- Нима сабабдан таклифни рад этгансиз?

- У Ромадин билан ишлаётган эди ("Солярис"нинг постоновкачи режиссёри). Мен хоҳламадим, "Ёлғиз ўзим ишлайман" дедим. Рассом бир ўзи бўлиши керак. Мен – солист, яккахонман, жўровозликка ярамайман. Менинг ғояларим қизиқарлироқ эди. Фикримча, "Солярис" кутилганидек чиқмаган. Улар тасвирларни коинотга "кўчиришди". Мен заминга олиб тушган эдим. Энгил-бошлар ҳам бошқача эди. Менинг таклифларим бирмунча заминий ҳаётга яқин эди. Кейин Андрей, "Сен айтганларинг тўғри экан" деди. Менинг назаримда, "Солярис" муваффақиятли чиқмаган фильм. Ҳар қалай, Тарковскийнинг даражасидан келиб чиққанда - муваффақиятсиз.

- Сизнинг фикрингизча, Андрей ўзини намоён этолмаган, шундайми?

- Йўқ, унчалик эмас, менинг шахсий мулоҳазаларимни умумлашма хулоса ўрнида қабул қилиш керак эмас. Тарковский ўзини намоён этган. "Жертвоприношение"да. Башарти шу фильм ишланмаганда Тарковский ҳам йўқ ҳисоби эди. Бу ҳақда ёзганман. "Сталкер", "Ностальгия"да дид, маданият аломатлари бор. "Жертвоприношение", бу — баланд. Маданиятни ташкил этувчи барча унсурларни бир қилганда ҳам ҳаммасидан юқори, баланд. Бу – ижод! Ижодкор вазифасини, бурчини адо этган – юқорига кўтарила олган. Бу камдан-кам ижодкорга насиб этади.

(Давоми бор)

Ўзингни англаб ет!
ҲУРРИЯТ МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА
23 - 29 февраль 8 (161)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди —20.00
Буюртма —

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Teruvchi: ANORA

ҲУРРИЯТ
МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

БИР БОР ЭКАН,

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

[illegible] ОҒИР ХУРОФОТ

ёки тирилган мурданинг ўлими

То ғам бошимизга солгунча ғавғо,
Айтгил, май берсинлар бизга бебаҳо,
Олтин эмассан-ку, билиб қўй, нодон,
Кўмгач, қайтиб кавлаб олмаслар асло.

Умар ХАЙЁМ

Марҳумнинг "йил ошиси" жуда совуқ ўтди. Одатда бундай маросимларда марҳумни эслаб оз-моз йиғи-сиғи қилиб олишса-да, таомилга кўра кийилган "кўк"лардан қутулиш, тўй-ҳашамларга бемалол аралашиб кетишга фатво бериладиган бу маросимни тўйга менгзаш кўпам гуноҳ бўлмаса керак. Марҳум ҳақидаги яхши хотиралар унга файз киритишини эслатиб ўтириш ортиқча...

БЕВАНИНГ ҲИКОЯСИ: — Ўшанда декабрнинг йигирма биринчи кунига ўтар кечаси – йилнинг энг узун "Ялдо кечаси" эди. Раҳматли хўжайиним ўтган бир йил ичида тамомила ўзгариб қолди. Илгари ичиб, оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган эрим бирдан намозхон бўлди-қолди. Тоат-ибодатни одат қилиб, азонлаб туриб, тун ярмида ётадиган мўмин-мусулмонга айланди. Аввал-бошда намоз пайти болаларга телевизорнинг товушини паст қилинглар, шовқинламанглар деб тергаб-ниқтаб юрдию, охири ёз ичи ҳовли четидаги хонани эпақага келтириб, бутунлай ўша хонага кўча қолди. Ўқиган намозим бировга малол келадиган бўлса, савобидан гуноҳи кўп бўлади, дерди бечора. Таҳорат сувларини ҳам ўзига-ўзи тайёрларди.

Раҳматлининг инсофга кириб қолгани бошқалар тугул, менга ҳам Аллоҳнинг мўъжизасидек туюларди. Аммо, қишлоғимизнинг кексалари бундан ажабланишмади. Раҳматли қайнотангнинг отаси катта мулла ўтган, қулоқ қилиниб, Сибир томонларда ўлиб кетган, ўша бобосининг йўлини шунга берганлиги чин бўлсин, дейишарди. Илгари тўй-ҳашамларга хўжайинимнинг хурмача қилиқларидан безорлар чақириб ҳам ўтиришмас, номигагина эл қатори айтиб кетишар, борса қувонишмас, бормаса хафа ҳам бўлишмасди.

Инсоф-иймонга юз бургандан кейин тўй ёки маросимга хабар тарқатишаётганда: "Фалончини албатта айтинглар, тағин эсдан чиқиб қолмасин", дейдиган, тўйхонага яқинлашаётганда эса: "Қаранглар, Фалончи келяпти, кутиб олинглар", деб тараддудланиб қоладиган бўлишди.

Маросимларда амри маъруф қилмаса-да, сўрашса Қуръон сураларидан чиройли овозда ўқиб, баҳоли қудрат тафсирлаб берарди. Масала талашишлар юз бериб қолса, аксар ғолиб чиқиб, жомеъ масжидининг имом-хатибини енгиб қўя бошлади.

Жомеъ масжидининг томига тўрт тарафга қаратилган овозкарнайлар қўйилган бўлиб, ундан тонг қоронғусида азон эшиттириларди. Имом хатиб хўжайинимизни ўзига иттифоқчи қилиш мақсадида овозингиз жуда ширали, тонгги азонни ўқиб савобга дохил бўлинг, деган таклифни айтибди. Аммо, хўжайиним бу таклифни рад қилибди. Намоз жуда шахсий нарса, дерди раҳматли, уни ўқиш-ўқимаслик ҳар кимнинг ихтиёридаги иш. Атрофда қанчадан-қанча одамлар, ёш болалар, ишдан кеч чиқиб ҳордиқ чиқараётганларнинг оромини бузиш худогаям, бандасигаям хуш келмайди. Аллоҳ ишқи тушган дилни фаришталарнинг ўзлари уйғотади, дерди.

Шу-шу имом иккисининг орасига совуқчилик тушиб қолди. Менга бу гаплар фақат хўжайиним раҳматли бўлганидан сўнг маълум бўлди.

Имомимизнинг намоздан кейин қиладиган амри маъруф ва наҳйи мункарларини ҳам мана шу овозкарнайлардан гузарга эшиттириб қўйишга ишқибозлиги бор эди. Биздек маҳалланинг хотин-халажлари гузарда майда-чуйда сотиб ўтириб, эрларимиз томонидан берилаётган саволларию имомимизнинг жавобларини эшитиб, маъқуллаб, баҳслашиб, гоҳида эса энсамиз қотиб ўтирардик.

Бу орада хўжайинимнинг обрўси ошгандан ошиб бораверди. Унча-мунча тўйларда никоҳ ўқитиш, жанозаларда фотиҳачиликка уни ҳам таклиф қиладиган бўлишди. Бу ишлари қонунсиз, деб иғво қиладиганлар учрагач, аллақайси жойга бориб, имтиҳон топшириб, рухсатнома ҳам олиб келди.

Ёз-куз ўтиб, қиш келди. Четдаги хона ёзлик ҳамда омборлик учун мўлжаллаганидан уни қиш кунида иситишни ўйламагандик. Шунинг учун қиш совуғи тушиши билан битта чўян печка ўрнатдик. Пича кўмир топиб келдилар.

...Ўша тонгда хўжайинимнинг эшиги анча пайтгача ёпиқ тураверди. Ухлаб қоладиган одати йўқ эди-ку, ё тонг азонлаб мачитга чиқиб, шундан шу ёғига бозорга тушиб кетдимикин деб, эшикларини итарсам, ёпиқ. Қулфлаб кетганга ўхшайди, деб бир-икки силкиб ҳам кўрдим. Раҳматли, ичкиликка ружу қўйган пайтларда ҳам жуда қўли гул уста эди. Ҳатто қўйхонаю, ҳожатхоналаримизнинг эшик, деразаларигача метин-мустаҳкам бўлиб, кўрсанг ҳавасинг келарди.

Мен ҳам вақтни кетказмай, тиккан дўппиларимни олиб, бозорга тушиб кетавердим. Орадан бирор соат ўтмай кенжа ўғлим ортимдан етиб борди.

(Давоми бор)

БОШҚОТИРМА

Тел: 133–69–45 Тузувчи: Нилуфар МИРҲОЖИЕВА

KROSSMARAFON 2000
КУПОН № 8



Келгуси сонда кутинг: марафонимиз қатнашчиларининг бошқотирмалари

БЎЙИГА: 1.Қабул қўрилган. 2.Қариндош, хеш. 4.Куй, ёқимли товуш. 6.Бор бўлган, вужудга келган. 8.Урф, русум ҳоли. 10.Нашаванд. 12.Асир, тутқин. 13.У дунёда бериладиган мукофот, ажр. 14.Заҳарли модда. 15.Ўрнак. 16.Охир, сўнг. 25.Давлатнинг рамзий қўшиғи. 27.Ҳадя, совға. 28.Иссиқлик, ҳарорат. 29.Шарқий Европадаги тоғ тизмаси. 30.Улкан сув ҳавзаси, океан. 32.Осиё қитъаси тоғ тизмаларидан бири. 33."Сўз" маъносидаги сўз. 34.Томонларни аниқлашда ишлатиладиган асбоб. 36. Полиэннинг "Ҳарбий ҳийлалар" китобидан ўрин олган чўпоннинг исми. 39.Одамларнинг тана ранги ва тузилишига қараб табақаланиши. 41.Назмда ижод қилувчи аёл. 42.Ёқилғи тури. 43.Қиз исми. 45."Ижара" сўзининг маънодоши. 46.Самолёт маркаси. 47.Ойнадан кўринувчи тасвир. 48.Ток кучи ўлчов бирлиги. 51.Уй олдидаги усти ёпилган очиқ саҳн. 53.Очувчи, забт этувчи. 54.Чақананинг акси. 55.Намуна сифатида келтириладиган. 56.Ўзбекистондаги дарё номи. 58.Араб алифбосидаги бир ҳарф номи. 59.Боксда таймнинг аталиши. 60.Қайиш, чарм белбоғ. 61.Даража, унвон. 62.Европа давлатларидан бирининг пул бирлиги. 63.Исм, от. 66.Узум дарахти. 68.Ўзбекистондаги тоғ тизмасининг номи. 71.Енгил бўлмаган. 74.Баланд, обрўли. 75.Эркаклар юзидаги мўй. 77.Ҳомилани сунъий йўл билан олдириш. 79.Қушдай, оғири йўқ. 80.Тақилмайдиган кўзойнак. 82.Асосан дарахтларга нисбатан саноқни билдирадиган сўз. 83.Ташқарининг акси. 84.Портловчи қурилма. 85.Сув ҳайвони. 86.Мақтов, кўкларга кўтариш. 89.Омма, тўпланган халойиқ. 93.Ҳибсга олиш учун кўрсатиладиган қоғоз. 95.Хушбўйи учун ишлатиладиган суюқлик. 96.Теридан тайёрланган. 98.Қора ва оқ рангларнинг аралашмаси. 100. Бир жинснинг ёшлик даври.

ЭНИГА: 3.Харобага айланган. 5.Қуръон сураларидан бири. 7.Майда бўлаклар, парчалар. 9.Маълумот, ахборот. 11.Қадимги туркий тилда "кампир" сўзининг аталиши. 17.Эркак жинсидаги қорамол. 18.Муқимийнинг машҳур ҳажвий асарига нишон бўлган "техника". 19.Устачилик қуроли. 20.Эртанинг кейини. 21.Американинг фазо тадқиқотлари ташкилоти. 22.Вакил, жосус. 23.Бир давлат номи. 24.Яхши кайфият белгиси. 26.Дастали, катта игна. 31.Тўғри бурчакли учбурчакнинг бир томони. 35.Куннинг бир вақти. 37.Дарс, машғулот. 38.Қўлнинг бармоқлар ва панжа орасидаги бўлаги. 39.Бир туркум газларнинг умумий номи. 40.Бир ўсимлик. 43."Бунёд" сўзининг маънодоши. 44.Оёқ кийимнинг ичидан қўйиладиган таглик. 46.Саҳобалардан бирининг исми. 48.Даҳрийлик, худосизлик. 49.Кимёвий атама. 50.Тарз, зайл. 52.Афсунгарлар қуроли. 55.Инглизларда қизларга мурожаат сўзи. 57.Форсчада "ота". 60.Эшитишдан маҳрум киши. 62. II жаҳон урушида қатнашган совет маршалларидан бири. 64.Футболда тўпнинг майдондан чиқиб кетиши. 65.Сут билан озиқланувчи ҳайвонларга бериладиган ном. 67.Машинанинг йўналтирувчи қисми. 69.Пайғамбарларнинг ортидан эргашувчи қавмлари. 70.Европадаги халқлардан бири. 72.Эрта тонг, субҳидам. 73.Шароити, ҳолати юксак савияда ташкил этилган. 76.Кимгадир фойда, кимгадир бахт келтирувчи омил. 78.Мадрид шаҳрининг футбол клубларидан бири. 81.Бало, фалокат. 83.I шахс бирликда эгалик қўшимчаси. 85.Бир рус фильмидаги машҳур итнинг номи. 87."Совуқ"нинг зид маънолиси. 88.Вомиқнинг маъшуқаси. 90.Сарой, қаср. 91.Бир кимёвий элемент. 92.Жангоҳдаги аскарнинг "паноҳгоҳи". 94.Тароққа эҳтиёжи бўлмаган киши. 96.Итальянча "хайр". 97.Атмосферада энг кўп тарқалган газ. 99.Металл ёки бошқа моддалардан ясалган айлана жисм. 101.Исломда эридан ажрашган аёлнинг янги оила қурмай туриши керак бўлган муддат. 102.Ҳар бирига хос хусусият, бир-биридан ажратиб турувчи унсурлар. 103.Дарз. 104.Афсонага кўра, қанот боғлаб учган ота-боланинг бири. 105.Қимматбаҳо тош. 106.Наср жанрларидан бири.

ЛАТИФАЛАР

Афанди бир куни дўстларига мақтанибди:

— Мен афсунгарман! Мўъжиза кўрсата оламан! Агар ҳозир "Суф-суф" десам, мана шу тол менга қараб сурилади.

— Қани кўрсат-чи мўъжизангни! — дейишибди дўстлари.

Афанди уч марта "Суф-суф" дебди, лекин тол ҳеч қимирламабди. Шунда у толнинг олдига бориб:

— Ана кўрдингизми! Мен унақа керилган афсунгар эмасман. Агар тол менинг олдимга келишни истамаса, ўзим толнинг олдига бораверман, — дебди.

— Ўртоқ Сталин, сизга ўхшаган кишини топдик.

— Отиб ташланг! – буйруқ берди Сталин.

— Балки мўйловини қириб ташласак бўлар, ўртоқ Сталин?

— Жуда яхши фикр! Аввал мўйловини қириб, сўнг отиб ташланг.

* * *

— Ўртоқ Сталин, Синявскийни нима қиламиз?

— Қайси Синявский? Футбол шарҳловчисими?

— Йўқ, ўртоқ Сталин, у ёзувчи.

— Бизга иккита Синявскийнинг нима кераги бор?!

* * *

Бир лофчи иккинчисига:

— Мен Ленинни тириклик пайтида кўрганман, - деса, иккинчиси унга:

— Тирик ҳолатда қотиб турган ҳайкалини кўрганман, - дермиш.

* * *

Меҳмонхонада дам олаётган кишилардин бири иккинчисига деди:

— Ганс, мени эртага соат 5.00 ларда уйғотгин.

— Хўп, бўлади. Фақат сен соат тўрт ярimларда менга телефон қилишни унутмасанг бас.

* * *

Эр хотинига деди:

— Қизиқ. Мен сен билан йигирма беш йилдан буён яшаб, қорнинг бунча катталигини сезмабман.

— Мен ҳам сизнинг кўрлигингизни энди кўриб турибман.

* * *

— Рухсат берсангиз сўрамоқчийдим, ёшингиз нечада, Эльзахон?

— Бугун йигирма бешга тўлдим.

— Кечирасиз, туғилганингизда, неча ёшда эдингиз?

Насриддин БОТИР тайёрлади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "Устажума" МЧЖ тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

МУКОФОТ ОЛМАЙСАНМИ, ДЎСТИМ?

— Ўзиш бўйича биринчилик бўлар экан, — деди Саид Чопқирбек Учаров ёнига келиб. — Ўтган йили ҳаммани доғда қолдириб биринчи бўлувдинг, эвазига яхшигина мукофот ҳам олувдинг. Бу йил ҳам марра сеники бўлишига ишончим комил.

— Э, қўй, қатнашмайман, — деди Чопқирбек қўлини силтаб.

— Эсинг жойидами? Жарақ-жарақ пул олсанг тешиб чиқадими? Ёки бойиб қолдингми?

— Шундоғам бошим оғриб юрибди. Қўшимча бош оғриғининг нима кераги бор?

— Қанақа бош оғриқ?

— Ўтган йили мукофотга қанча берилган бўлса, ҳаммасини яна силлиққина қилиб қайтариб олишган. Ҳатто ёнимдан ҳам қўшиб берганман. Бундан ташқари, ҳали у қоғозни тўлдир, ҳали бунисини олиб кел... Қўй шуни, тинчимни бузиб нима қиламан? Оч қорним — тинч қулоғим, оёқни узатиб ётибмандa.

— Тушунтириброқ гапирсанг-чи? — деди Саид Чопқирбекка ажабланганнамо боқиб.

— Ўтган йили ғолиб бўлганимда қўлимга юз минг сўмлик қоғозни беришди. Мен эртасигаёқ пулни олиш учун банкка бордим. Барака топгурларнинг солиқ деган бир нарсаси бор экан. Юз минг сўмдан қирқ беш фоизини даромад солиғи деб олиб қолишди. Менга эса эллик беш минг тегди. Йил тугагач, уйга солиқ идорасидагилар қоғоз ташлаб кетишибди. Англашилмовчилик бўлгандир-да, деб бормадим. Лекин орадан бир-икки ой ўтиб яна қоғоз келиб турибди. Ҳайрон бўлиб борсам, "Солиқ тўлайсиз", дейди баччағарлар. "Тўлаганман-ку", десам, "Сиз фақат мукофотингиз учун тўлагансиз, лекин олган маошларингиз билан мукофотингизни қўшсак, ўз-ўзидан яна солиқ келиб чиқади", дейишади. Хуллас, у дедим, бу дедим, бўлмади. Ўз вақтида солиқ идорасига бормаганим учун ҳам жарима ёзишган экан. Ҳаммасини бир амаллаб, қўни-қўшнидан қарз-ҳавола кўтариб, тўладим-да, икки қўлимни бурнимга тиқиб қайтиб келдим. Энди тушундингми? Мана сенга севги азоби...

Акбар ЭШМУРОДОВ

Ньютоннинг ноёб қўлёзмаси топилди. Унда олимнинг ҳали бизга номаълум бўлган қонуни акс этган: "Харажатсиз ҳаракат нолга тенг".



"Ўзтелерадиокомпания" Раисига "Ёшлар" канали Бош директорига

"Ринг қироллари" кўрсатуви тайёрловчиси ва шарҳловчиси Давлат Турдиалиев устидан

ШИКОЯТ

Телевидениемизнинг ҳурматли раҳбарлари! Биз Ўзбекистон телевидениесидан астойдил миннатдормиз. Эрталабдан гоҳ у-гоҳ бу дастурни томоша қилиб ўтириб кун кеч бўлганини билмай қоламиз, ҳатто тушликни ҳам унутамиз. Бир ҳисобда шунисига шукр, чунки қиладиган ишимизнинг ҳам тайини йўқ.

Хулласи десангиз, қишлоғимиз йигитлари ҳар ҳафта "Ринг қироллари"ни битта қўймай кўрамиз. Давлатбой укамиз ҳам жуда гапга чечан бўлиб боряпти. Топиб айтаётган сўзларига қойил қоламиз.

Илло, бир шикоят қиладиган жойи чиқиб қолди. Шу денг, азамат боксчилар дам олар чоғида самбит навдадек қизлар рақам кўтариб рингни айланадиган одати бор экан. Эҳ, қадди-қоматига, қадам олишига беш кетамиз-да! Бу ёғини сўрасангиз, Америкада шундақчайин қизларни туғадиган махсус аёллар бор, деган гап чиқиб кетди қишлоғимизда!

Индаллосини айтсак, бу Давлатбой ўша соҳибжамол қизларни дурустроқ кўрсатмайди-да! Хаёли муштлашаётганларда унинг! Муштлашув 3 минут эка-ан, хў-ўп, қизлар чиқишини лоақал 2 минут қилиб қўйса, нима, асакаси кетадими?! Қолаверса, ў, Давлатбой, ука, биз боксчиларни муштлашаётганда кўрамиз, дам олар чоғида уларни ўз ҳолига қўйгин-да, экранга ўша қизчаларни рўпара қилиб қўй, йигит!

Арзимизни "Ҳуррият" орқали эълон қилаётганимиз бежиз эмас, бизни қўлловчилар кўп эканига аминмиз!

Сўровимиз ерда қолмайди деган умидда

Сангтепа қишлоғи бир гуруҳ Шоввозлари деб билурсиз.

ҚАНДИНГИЗНИ УРИНГ, "ТЕМИРЙЎЛ"ЧИЛАР!

Қайси бозорда нарх-наво арзон бўлса, шубҳасиз, ўша бозор одам билан гавжум бўлади. Нархнинг паст бўлиши эса маҳсулот олиб келувчилар билан бирга бозор идорасидагиларга ҳам боғлиқ. Чунки, деҳқон ёки тадбиркор маҳсулотини нархлаётганда унга йўл харажатларинигина қўшиб қолмасдан, балки тошу торози, жой учун тўланган суммани ҳам қўяди. Шубҳасиз, бундай ҳолда маҳсулот нархи бирмунча ошади. Маҳсулотнинг қимматлашуви эса харидорларнинг камайишига ёки норозилигига сабаб бўлади. Аммо Самарқанд шаҳридаги "Темирйўл" деҳқон бозори маъмурияти бундай ноқулай аҳволдан чиқишнинг яхши йўлини топишибди. Келинг, яхшиси, бу ҳақда бозорнинг бошқарув раиси Дилшод Маматмуродовдан эшитамиз:

— Ҳар бир бозорнинг ҳокимият томонидан белгиланган режаси бўлади. Уни ҳар ким ҳар хил бажаради. Биз режани уддалаш билан бирга харидорларда норозилик туғдирмаслик учун бозорда хизмат турларини кўпайтирдик. Жумладан, сотувчиларнинг асосий қисми бозор тарозилари ва тошлари билан таъминланди. Бу, биринчидан, тортилган маҳсулотнинг тўғрилигини кафолатласа, иккинчидан, кўп миқдорда тарози тарқатилиши унинг бир кунлик ишлатиш нархини пасайтиришга имконият туғдиради. Шу боисдан ҳам ўтган йилнинг сентябридан бошлаб ойма-ой режа бажарилаяпти. Бу эса қисқа муддат ичида нон павильонини қуришимизда бизга катта ёрдам берди. Бундан ташқари, илгари бозоримизнинг бир томони очиқ эди. Ҳозир эса у тўлалигича ёпиқ бозор шаклига келтирилди. Яъни, кириш-чиқиш фақат бир томондан...

Биз Дилшод ака Маматмуродов билан "Темирйўл" деҳқон бозорида қисқа вақт ичида юз берган ижобий ўзгаришлар хусусида анчагина суҳбатлашдик. У киши ўзлари эришган ютуқлар ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаш билан бирга ҳали ечимини топмаган баъзи муаммолар тўғрисида ҳам анчагина кунюнчаклик билан гапирди. Муаммоларни бартараф қилиш учун мутасаддилар тинимсиз изланишда эканлигини айтди. Бозор айланиб, деҳқонлар билан гурунглашганимизда эса, бозор маъмурияти қўлга киритган ютуқлар ечимини топмаган муаммолар қаршисида анчагина салмоқдор эканлигининг гувоҳи бўлиб, камчиликлар ҳам тез орада барҳам топишига ишондик.

Сафаримиз ниҳоясида мезбонларга бундан-да улканроқ муваффақиятларга эришишларини тилаб, "Қандингизни уринг, "Темирйўл"чилар!" — дея улар билан хайрлашдик.

Акбар ШОХ

ҲОРМАНГ, АБДУРАСУЛ АКА!

Таҳририятимизга даста-даста ҳажвий суратлар қўлтиқлаб, бир рассом кириб келди. Суратларнинг аксарияти ижтимоий мавзуда бўлиб, "қаҳрамон"лар кескин танқид остига олинган, ҳажвдан кўра кўпроқ кишида сергаклик туйғусини уйғотадиган расмлар эди. Танишдик. Бу киши Абдурасул ака Ҳакимов эканлар.

Абдурасул ака кўп йиллардан бери "Муштум"нинг жамоатчи мухбири бўлиб ишлаб келаётган, бир неча кўргазмалар, жамланмалар муаллифи ҳам экан. У кишининг "Турон" кутубхонасидаги суратлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирган, "Муштум"да чиққан суратлари эса кўп олқишларга сазовор бўлган. Мана, уч-тўрт сондан буён "Ҳуррият" мухлислари ҳам бу киши ижодидан баҳраманд бўлмоқда.

"Ўзим 1969 йилда Бенковни битирганман, — дейди Абдурасул ака камсуқумлик билан. — Ана шундан буён турли жойларда хизмат қилдим. Бошимдан кўп савдолар ўтди. Мана, бугун..." Абдурасул ака бугун нафақадалар. Бироқ сурат чизишни ҳали-бери ташлайдиган чоғи йўқ. У киши энди ғайрат камарини боғлаганлар.

Ҳорманг, Абдурасул ака! Сурат чизаётган қўлларингиз дард кўрмасин.

"Ҳуррият"чилар

БИР ЙЎҚ ЭКАН...